ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ

КУНДАЛИК ИЖТИМОИЙ–СИЁСИЙ РЎЗНОМА

1991 йил 12 декабрь
ПАЙШАНБА
№ 240 (5.283).
Баҳоси 8 тийин.

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган ♦ Ҳафтада беш марта чоп этилади

Дил ҳамрози

ДЕҲҚОН МАШАҚҚАТИ ОЗ БЎЛСИН

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида хўжалик юритиш, ишни ташкил этиш тобора қийинлашмоқда. Эскирган иш услублари ўрнини янгилари эгаллamоқда. Яқин-яқингача қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари таъминоти тарқоқ ҳолда бўлиб, ўзи-бўларчилик, назоратсизлик ҳукм сурарди. Шу йил республика Деҳқончилик-саноат мажмуини моддий-техникавий таъминлаш ва техникаларни таъмирлаш давлат-ширкат қўмитаси ташкил этилганлиги ана шу соҳадаги бошбошдоқликка барҳам бериб, жамики таъминот ишларини бир қўлга жамлаш имконини берди. У ўз фаолиятини давлат, жамоа, ширкат хўжаликлари, шунингдек қўшма корхоналар, ижара, хусусий ташкилотлар, деҳқончилик-саноат мажмуи корхоналари билан ҳамкорликда олиб бормоқда. Жумҳурият идорасининг зиммасига жуда жиддий ва масъулиятли вазифалар юклатилган. Истеъмолчиларни техника- воситалари билан таъминлаш, таъминотчилар билан буюртмачилар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, моддий-техника ускуналарини айирбошлаш фондлари ва заҳираларини барпо этиш, барқарор бозор жамғармасини яратишда қатнашиш, деҳқончилик-саноат мажмуи истеъмол бозорини вужудга келтириш, воситачи дўконлар, товар-савдо биржалари, улгуржи ёйма бозорлар ташкил қилиш шулар жумласидандир. Қўмита раиси, иқтисод фанлари доктори Р. ҲУСАНОВ билан суҳбатимиз амалга оширилган ишлар ҳамда олдинда турган вазифалар хусусида бўлди.



— **Расулмат Ҳусанович, даставвал қўмита олдида турган вазифалар, тузилма меҳнат жамоалари амалга ошириши лозим бўлган ишлар ҳақида гапириб берсангиз.**

— Республика деҳқончилик-саноат мажмуини моддий-техникавий таъминлаш ва техникаларни таъмирлаш давлат-ширкат қўмитаси Ўзбекистон Президентининг фармонига асосан шу йил май ойида тузилди. Идорамиз зиммасига юклатилган вазифа ушбу ҳужжатда ўз аксини топган.

Корхоналаримиз, жумладан, таъмирлаш заводлар ва устахоналар деҳқончилик-саноат мажмуига қарашли барча ташкилотлардаги мавжуд техника воситаларини созлаш-тузатиш ишларини бажаришади, уларга муҳандислик хизмати кўрсатишади. Бир қатор қишлоқ хўжалиги техникаси ва мосламаларини ўзлари ишлаб чиқаришади. Жумҳурият, вилоятлар, районлараро ва районлар таъминот базаларимиз хўжаликларнинг талабномаларига қараб уларга зарур техника ва эҳтиёт қисмлар етказиб берадилар. Шунингдек, қурилаётган ва таъмирланаётган чорвачилик, маҳсулотларни қайта ишловчи иншоотларни жиҳозлар билан таъминлаш, деҳқончилик-саноат мажмуига қурилиш материаллари етказиб бериш ҳам бизнинг зиммамизга юклатилган.

Бугунги кунда қўмита фақат деҳқончилик мажмуи билангина эмас, балки халқ хўжалигининг бошқа соҳалари билан ҳам шуғулланишлари лозим. Аммо эски андозалар, бу борада қатор чалкашликлар борлиги учун бир қанча ишларни Таъминот давлат-ширкат қўмитаси (Госкоопснаб) билан биргаликда олиб бораяпмиз.

— **Жойларда иш қандай йўлга қўйилмоқда? Хизмат кўрсатишни қай тариқа яхшилаш ва кенгайтириш мумкин?**

— Қўмитамиз ихтиёрида 22 та техникани таъмирловчи заводлар, 74 та махсус ихтисослаштирилган устахоналар, 118 та район устахоналари, шунингдек, автомашиналарни, чорвачилик механизмларини таъмирлаш станцияларини, иккита жумҳурият миқёсидаги, 12 та вилоят, 30 та районлараро, 156 та район таъминот базалари бор. Булардан ташқари чорвачиликни механизациялаш ишларини бажарувчи 37 та механизациялашган кўчма колонналар, 3 та трест мавжуд. Улар бир пайтнинг ўзида қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширадилар.

Қўмитамиз бўйича саноат моллари ишлаб чиқариш ва техникавий хизмат кўрсатиш ишларининг йиллик ҳажми 640,5 миллион сўмликни ташкил этади. Ўтган ўн бир ойда 589,3 миллион сўмлик иш бажарилди. Бошқача айтганда, 201 мингта трактор, 47,9 мингта пахта териш ва ғалла ўриш комбайнлари, 250 мингта трактор двигателлари, 102 мингта автомобиль двигателлари, 45 мингта пахта териш машинасининг терим аппаратлари ва кўплаб шунга ўхшаш техника ҳамда асбоб-ускуналари таъмирланди. Жорий йил охирига қадар 698,9 миллион сўмлик ишларни адо этиш ёки ўтган йилга нисбатан 42,3 миллион сўмлик ортиқча хизмат кўрсатиш мўлжалланмоқда. Шу билан бирга заводлар ва корхоналаримизда 160,3 миллион сўмлик янги техникалар ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг ҳажми ҳам булутургига нисбатан 25,4 миллион сўмлик зиёд бўлмоқда.

Биз чорвачиликни механизациялаш ишларини ҳам жонлантиришга эътиборни қаратаяпмиз. Жорий йилда бу борада 82,6 миллион сўмлик ишларни бажариш кўзда тутилмоқда.

Хўжаликларни техника ва зарур қисмлар билан таъминлаш умуман, таъминот масаласини яхшилаш устида бош қотирмоқдамиз. Бу йил хўжаликларга сотилган техника ва эҳтиёт қисмлар ҳажми ржадаги 1 миллиард 481 миллион ўрнига 1 миллиард 761 миллион сўмликни ташкил этмоқда. Ҳозирга қадар 1,5 миллиард сўмлик техника, асбоб-ускуна ва эҳтиёт қисмлар олиб келиб сотдик. Келгуси йилда бу 2 миллиард сўмликка етказилиши мўлжалланяпти.

— **Республика деҳқончилик-саноат мажмуида таъминот ва истеъмол бозорининг аҳволи ҳозирга қадар қай аҳволда эди?**

— Илгари барча соҳаларда бўлгани каби деҳқончилик-саноат мажмуида ҳам таъминот ишлари махсус ажратилган фондлар асосида амалга ошириларди. Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан эндиликда бу тартиблар бузилмоқда ва ўзгараяпти. Жумҳуриятлар мустақиллик сари дадил қадам ташламоқдалар. Бу эса бурунги маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарувни ўзгартириб юборди. Натижада бутун Совет ҳокимияти даврида республикалараро чамбарчас боғланган моддий-техникавий таъминот муносабатлари бузила бошлади. Албатта бундай ҳол иқтисодий ривожланишга ёмон таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, асосий саноат корхоналарини ўзида мужассамлаштирган Россия Федерациясида юзага келган вазият, яъни вилоятларнинг ўзбошимчаликлари, турли миллий минтақаларда, жумладан, Кавказда бўлаётган жанжаллар иқтисодиётни тобора издан чиқармоқда. Мамлакатнинг доимий хом ашёбазаси бўлиб келган жумҳуриятимиз бундан қийин аҳволга тушиб қолди. Ишлаб чиқарилаётган техника, қурилиш материаллари, саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳозирги пайтда республикамизга кўнгилдагидек келмаётир.

Ушбу аччиқ сабоқ бизни янгича фикрлашга, ишни давр талабига мослаб ташкил этишга даъват этади. Айни пайтда қўмитамиз таъминотдаги ва ишлаб чиқаришдаги мураккаб аҳволни ҳис этиш борасида дастлабки тадбирларни кўрмоқда. Собиқ мамлакатнинг индустриал минтақаларидаги саноат корхоналари билан бевосита алоқалар ўрнатилмоқда. Маҳсулот айирбошлаш йўли билан ўзимизга зарур моддий ресурсларни келтириш чоралари кўрилмоқда.

Ҳозирга қадар айрим ютуқлар қўлга киритилган бўлсада, лекин улар бизни сира қаноатлантирмайди. Негаки, жумҳуриятимизда маълум турдаги ва миқдордаги техниками ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши лозим. Зеро, ўзга республика ва мамлакатлардан иноят кутиб бўлмайди. Шу боисдан Марғилондаги автомобилларни таъмирлаш заводида автобус ўриғиш ишларини бажариш кўзда тутилмоқда. Барча таъмирлаш заводларида автомобиль ва қишлоқ хўжалиги техникалари учун айрим эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Таъмирлаш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки эҳтиёт қисмлари ниҳоятда тақчил бўлиб турган бир пайтда ҳозирги оғир шароитдан қутулишнинг ягона йўли ишдан чиққан эҳтиёт қисмларга қайта умр бағишлашдир. Бу борада ҳамма таъмирлаш заводларида муайян ишлар қилинаяпти. Ўтган ўн бир ойда 25,7 миллион сўмлик деталлар тикланди. Бу ўтган йилнинг шу даврига қараганда 5,8 миллион сўмлик кўп.

Қўмитамиз томонидан деталларни таъмирлашни ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича 1995 йилгача мўлжалланган дастур ишлаб чиқилди. Ўшанда бундай ишлар ҳажми 36 миллион сўмликка етказилади.

— **Қўмита иш бошлаганига етти ойдан ошди. Шу даврда нималарга эришилди?**

— Қўмитамиз билан деҳқончилик-саноат мажмуига қарашли вазирликлар ва идоралар ўртасида алоқалар ўрнатиш, иш услубимизни, тузилишни уларнинг талабига мослаш муҳим масала эди. Бу ишларни бирмунча йўлга қўйдик. Шу билан бир қаторда ишлаб чиқариш жараёнини жонлантириш ва моддий-техника таъминотини мукаммаллаштиришга эътиборни кучайтирдик. Ҳар қалай озми-кўпми ишларни амалга оширишга улгурдик. Қўмитамизга қарашли корхона ва ташкилотлар жорий йилнинг ўн ойида 589,3 миллион сўмлик иш ва хизмат кўрсатиш юмушларини бажаришди. Ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 15,7 фоиз ошди. 9,5 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди. Аҳолига 6,5 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди. Бу кўрсаткичлар ўтган йилдагига қараганда тегишлича 30 ва 130 фоиз ортди. Ўн ой ичида 19,3 минг трактор, 55,9 минг трактор-комбайн, 15,2 минг автомобиль двигателлари, 1,1 минг пахта териш машиналари ва уларнинг 24,4 минг аппаратлари, 600 ғалла ўриш комбайнлари, шунингдек, бошқа қишлоқ хўжалиги техникалари тузатилиб, фойдаланишга топширилди.

Йирик заводлар билан қўшма корхоналар тузилди. Жумладан, Қаршида Оренбург радиатор заводи билан тракторларга йилига 10 мингта радиатор чиқарадиган корхона, Шаҳрисабзда чўян насослар, Чинозда карбюратор, Сурхондарёда кальций карбид тайёрланадиган корхоналар барпо этилмоқда.

— **Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтилгани, нарх-наво кўтарилиб бораётгани, шубҳасиз, снзларда ҳам мураккабликларни келтириб чиқараётган бўлса керак.**

— Барча соҳада нарх-наво кўтарилгани каби техника ва запас қисмларники ҳам ортиб бормоқда. Мисол учун Тошкент трактор заводининг Т-28х3 трактори ҳозир 14,8 минг сўм туради. Ёки пахта териш машинаси баҳоси 26 минг сўмга етди. Бултур Германиядан олинаётган Е-281 комбайни 50 минг сўм эди. Бу йил 124 минг сўмга кўтарилди. Айниқса, автомашиналар нархи ошди. Масалан, ЗИЛ-130, 12,4 минг сўм, ГАЗ-3307, 11,3 минг сўм. Шунингдек, металл ва қурилиш материаллари ҳам қимматлашиб бормоқда. Запас қисмларнинг баҳоси 3—4 баробар ортди. ГАЗ-52 двигатели илгари 195 сўм эди, ҳозир 1,5 минг сўм. 37Д двигатели 540 сўм эди, ҳозир 4.200 сўмга етди. СМД двигатели 1089 сўмдан эндиликда 7800 сўмга кўтарилди.

Хўш, шундай шароитда нима қилиш керак? Биз бу борада бир қатор тадбирларни амалга ошираяпмиз. Биринчидан, юқорида таъкидлаганимдек, ўзимиздаги қўшма корхоналарда айрим техникаларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда, иккинчидан, эҳтиёт қисмларни тайёрлашга эътибор кучайтирилмоқда, учинчидан, техника қарови ва техникавий хизмат кўрсатиш яхшиланмоқда, таъмирлаш ишлари кенгайтирилаяпти. Айниқса, деталларни тузатиш, қайта тиклаш ишлари уларнинг янгиларини сотиб олишни камайтирмоқда. Биргина шу йилнинг ўзида пахта териш машинасида ишлатиладиган 1.100 мингта шпиндель, 1.500 минг шчётка, 55 минг гидронасос қайта тикланди.

— **Эндиликда ҳамма хорижликлар билан ҳамкорлик йўлларини изламоқда. Айниқса таъминот ва истеъмол бозорини барқарорлаштиришда унинг аҳамияти катта. Бирон-бир чет эл фирмаси билан ташқи иқтисодий алоқа ўрнатилдими?**

— Бозор муносабатларини ўзлаштириб олиш мақсадида товар биржалари, таъминот базалари, таъмирлаш корхоналари қошида техникаларни улгуржи нархда сотиш дўконлари ташкил этилмоқда. Бундай тижорат марказларидан «Узагрокоопснаб» ширкати ДСМдаги ташкилотларни ёғоч ва қурилиш материаллари билан таъминлаб келаяпти. «Тошкент» савдо-тижорат биржасида ўз брокерларимиз бор. Улар савдо-сотиқ ишларида фаол қатнашмоқдалар.

Бозор иқтисодиёти шароитида хорижий мамлакатлар билан алоқа ўрнатиш муҳим аҳамиятга эга. Хорижий бозорлар дарвозасининг очилиши қўшма корхоналар барпо этишда асқотмоқда. Биз Америкининг «Каскад-Сервис» фирмаси билан қўшма корхона очдик. Хитой, Туркия, Болгария ишбилармонлари билан қўшма корхоналар барпо этиш режалаштирилган.

Ҳозирги кунда Болгария билан республикамизга 200 та Т-54В маркали тракторлар, 1000 та КИР-1,5 маркали ўриш механизми, 300 дона автоэлектрокок ортиш кранлари етказиб беришга келишиб олинди. Булар катта ишларнинг бошланиши, холос. Мақсадимиз четдан фақат маҳсулот олишгина эмас, балки хорижга ўзимизнинг ҳам товарларни чиқаришдир. Бунинг учун дунё талаби даражасида бўлган сифатли моллар тайёрлашимиз керак.

— **Боғдорчилик, сабзавотчилик, чорвачиликда ишлар асосан қўлда бажарилмоқда. Бизнингча, эндиликда уларни техника ва ускуналар билан таъминлаш керак.**

(Давоми 2-бетда).

Қўш хабар

БАРАКА ЙИЛИ

Якунланаётган йил Чортоқ районидаги Навоий номли жамоа хўжалиги учун ҳар томонлама баракали бўлди. Ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида ривожланишга эришилди. Айниқса, пахтачиликда катта ютуқлар қўлга киритилди. 815 гектар майдоннинг ҳар гектари ҳисобига ўртача 50 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Бу райондагина эмас, балки Наманган вилоятида ҳам юқори кўрсаткичдир. Ёқубжон Усмонов, Тошўлат Иброҳимов, Йўлдошбой Турсунов бошлиқ бригадалар хўжалик даражасидан ҳам ўсиб кетдилар. Йиллик режага қўшимча 1066 тонна хом ашё сотилди. Ялпи хирмон 4000 тоннадан ошди. Бунинг яқин учдан бир қисми қимматбаҳо нингичка толали пахтадир. Режадаги толанинг беш фоизи, қўшимчасининг ҳаммаси хўжалик ихтиёрида қолдирилди.

Деҳқончиликнинг бошқа соҳалари ҳамда чорвачилик бўйича ҳам самарадорлик бўлиши таъминланди. Натижада иқтисодиётга ҳам қут-барака кирди. Ялпи пул даромади 14 миллион сўмдан кўпроқ бўлиши кутилмоқда. Хўжалик бошқарувининг раиси Муталжон Раҳматов эришилган натижаларни эркин ва виждонан меҳнат қилинганлик самараси деб изоҳламоқда.

Эндиликда бутун куч келгуси йил ҳосили учун пухта замин яратишга сафарбар этилаётир. Йиғим-терим муддати қисқаргани учун кузги-қишки агротехника тадбирлари ҳам эрта тугалланди. 900 гектардан зиёд майдон ҳайдовдан чиқарилди, бунинг учун 16 та ғўзапоя чопиш, 12 та ҳайдов тракторлари унумли ишлади. Ер шароитига қараб 400 гектар майдонга шудгорлаш билан бир вақтда минерал ўғит берилди. 81 гектар майдонга гўнг, гектарига 40—50 тоннадан органик ўғит солинди.

Кўзги экиш билан боғлиқ режалар ҳам тўлиқ бажарилди. 150 гектарга ғалла, 12 гектарга пиёз, 60 гектарга оралиқ экин экилиб, бехато кўкартириб олинди. Шу кунларда 600 гектар майдоннинг пуштасини олиб қўйиш, кузги экинларга ишлов бериш чоралари кўрилмоқда. Шунингдек, таъмир устахонасида терим техникасини созлашга киришиш, меҳнат аҳлини оғир қиш шароитидан кўнгилдагидек ўтказиш ва шу каби долзарб масалалар ҳам раҳбариятнинг диққат марказида турибди.

ДАСТУРХОН КЎРКИ

Кундалик турмушимизни турли хил сабзавотларсиз тасаввур қилиш қийин. Улар иссиқ таомларимиз, хилмахил емишларимизнинг лаззати, дастурхонимизнинг кўрк-безагидир. Чортоқлик ноз-неъмат бунёдкорлари бу борада Наманган вилоятида пешқадам бўлиб келаётирлар. Уларнинг бу йилги меҳнат натижалари, айниқса, қувончли бўлди. Бир неча бор табиий офат ҳуруж қилганига қарамасдан баракали хирмон кўтарилди. Эл дастурхонига сал кам 36 минг тонна сабзавот маҳсулотлари армуғон этилди. Шу соҳада ихтисослашган «Ленинизм», «Комсомолобод» давлат хўжаликлари эришган ютуқ салмоқлидир.

Шунингдек, узум тайёрлаш режаси ҳам муваффақиятли бажарилади. 11.727 тонна узум сотилди. Бу ўтган йилги ялпи ҳосилдан 1,5 минг тоннадан зиёддир.

С. ТУРҒУНОВ.

«КОНТИНЕНТАЛЬ ГРЕЙН» ДЕЛЕГАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов «Континенталь грейн» Америка корпорациясининг шу корпорация Президенти Дональд Стахели бошчилигидаги делегациясини 10 декабрь куни қабул қилди. Делегация таркибида турли мамлакатларда жойлашган ва корпорацияга кирувчи йирик фирмаларнинг раҳбарлари бор. Делегация республикамизга иқтисодий масалалар юзасидан турли идоралар билан музокаралар олиб бориш учун келган.

Президент ҳузурида бўлиб ўтган қизғин суҳбат чоғида Ўзбекистоннинг корпорация билан савдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга доир кўпгина муаммолар муҳокама қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида шу куни бўлиб ўтган музокараларнинг сермаҳсул бўлганлиги таъкидланди.

«Континенталь грейн» вакиллари олдин ҳам республикамизда бўлган, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш йўлларини муҳокама қилган эдилар. Ёзда халқаро майдонда савдо битимларини тузиш учун корпорацияга Ўзбекистон пахтаси туркумини ажратиш тўғрисидаги протокол имзоланган эди. Д. Стахели республика амалий шерикларига қимматбаҳо хом ашёнинг бир қисмини етказиб берганлигини айтиб ўтди. Бу эса муносабатлар ишчанлик негизига қурилганига ишонч бағишлайди. Келгуси йилда ва кейинчалик ҳам маҳсулот етказиб бериш давом эттирилади.

Ўз навбатида корпорация Ўзбекистонга кўп миқдорда буғдой, пахта тозалаш ускуналари етказиб бермоқчи, товуқ гўшти етиштиришни, жинси тайёрлашни ташкил этишни, шунингдек имкониятга қараб жинси газламадан болалар ва спорт кийимлари ишлаб чиқаришни ташкил этмоқчи бўляпти, шунингдек мева ва сабзавотларини қайта ишлаш масалаларини ҳал қилишга кўмаклашмоқчи.

Музокараларда бу қадар кенг миқёсли иқтисодий алоқаларни таъминлаш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди. Шу муносабат билан хом ашё ва маҳсулотларни ташишни ташкил этиш, мутахассисларни ўқитиш, техника муаммоларини ҳал қилиш лозим бўлади. Корпорациянинг Ўзбекистондаги фаолиятини мувофиқлаштириш, қўшма корхона ташкил этиш учун Тошкентда корпорациянинг қароргоҳини очиш мўлжалланди. «Континенталь грейн»нинг ишбилармонлик фаолияти учун Тошкентда қулай шарт-шароит яратилиши таъкидланди.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов, давлат савдо ва ташқи алоқалар қўмитасининг раиси У. Т. Султонов, бошқа расмий кишилар қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ҲАММАНИНГ ТАҚДИРИНИ ЎЙЛАШ КЕРАК

Беларусь Республикаси, Россия Федерацияси ва Украина мустақил давлатлар ҳамдўстлиги тўғрисидаги битимни имзоладилар. Бу воқеа бошқа республикаларда, шу жумладан Ўзбекистонда кенг меҳнаткашлар орасида ҳар хил фикрларни вужудга келтирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда шу масала хусусида ўз фикрини айтди.

— Бу шартнома иккилобий тусдадир, деб ҳисоблайди Президент. 1922 йилда ССР Иттифоқини тузган уч республика раҳбарларининг тўпланганлиги мақбул иш-дир. Лекин нима учун уч славян Республикаси бирлашгани бўрттириб таъкидланаётганлигини тушуниб бўлмайди. Агар сўнгги вақтгача мавжуд бўлган иттифоқнинг уч муассиси тўпланди, дейилганда эди, бу ҳам миллий, ҳам маънавий, ҳам сиёсий жиҳатдан тўғри бўларди. Башарти Минскда имзоланган ҳужжатда иттифоқ янгитдан тузилмоқда, унга қўшилишни хоҳлаганлар, тезроқ ўйланглар, чунки республикаларнинг мутлақо янги ҳамжамиятини барпо этяпмиз деб аниқ ва равшан айтишганида эди, бу славян Республикаларнинг иттифоқи деб таъкидлашганида эди, — жуда соз бўларди. Бирлашган армия, қўшма иқтисодий макон, уч республиканинг биргаликдаги ваолютаси. — булар нимани билдиради? Мен бу масалаларни шарҳлашни хоҳламайман, чунки вақти соати етгани йўқ. Аввало шу республикаларнинг раҳбарларидан тегишли ахборотни олиш лозим. Шундан кейингина хулоса чиқариш керак. Бу масалалар қўшимча равишда идроклашни талаб қилади. Бу соҳада етти марта ўлчамай туриб узил-кесил кесиб ташлаш мумкин эмас. Шу уч республикада яшаётганларни эмас, балки ҳамманинг тақдирини ўйлаш керак.

ЖУМҲУРИЯТНИНГ ЖЎШҚИН ҲАЁТИ

ДАРОМАД ТЕНГ ТАҚСИМЛАНАДИ

Риштондаги кулолчилик буюмлари заводида ишга туширилган атлас тўқиш цехи маҳсулот бера бошлади. Бу ердаги ўнта дастгоҳда меҳнат қилаётган қизлар кунига 3—4 метрдан ранг-баранг атлас тўқишмоқда. Ҳозиргача қарийб 500 метр маҳсулот тайёрланди.

Янги ишни йўлга қўйишда, атлас тўқишни ўрганишда риштонлик ёшларга Марғилондаги ёдгорлик буюмлари фабрикаси мутахассислари яқиндан ёрдам беришди. Ёш тўқувчиларни зарур хом ашё билан таъминлаш ва маҳсулотга пардоз бериш ишларини ҳам марғилонликлар ўз зиммасига олди.

Келишувга мувофиқ даромад уч йилгача икки корхона ўртасида тенг тақсим қилинади. Сўнгра цех кулолчилик заводи ихтиёрига ўтади.

КЕЛГУСИ ҲОСИЛНИ УЙЛАБ

Булунғур районидаги Фозил Йўлдош номли давлат хўжалигининг деҳқонлари далалар ва боғларга яхоб суви бера бошладилар. Деҳқонлар бу ишга катта эътибор беришмоқда, чунки келгуси йилнинг ҳосили кўп жиҳатдан ана шу ишнинг сифатли ўтказилишига боғлиқ.

Хўжаликнинг 3-бўлимида қишки ишларни айниқса тез ва соз бажаришмоқда. Бу ерда 250 гектар токзорга, 60 гектар боғга, полизларга минерал ва маҳаллий ўғит чиқарилди. Ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Ерлар ўз вақтида ва сифатли шудгор қилинди. Энди суғориш шохобчалари ва зовурлар тозаланмоқда. Боғбонлар эса дарахт шохларини буташга киришдилар.

ХОНАДОНГА ГАЗ КЕЛДИ

Боғдод районидаги «Ғалаба» давлат хўжалигига газ келди. «Ўзбекгаз»нинг Фарғонадаги 8-кўчма механизациялашган колоннаси монтажчилари давлат хўжалигининг маркази — Зафаробод қишлоғида 2,5 километр масофага газ қувури ётқизишдилар. Бу эса хўжаликнинг қишлоқ врачлик амбулаторияси, болалар боғчаси, мактаб, давлат хўжалиги маъмурий биносини марказий қозондан иссиқлик билан таъминлаш имконини берди. Ҳадемай хўжаликнинг элликта хонадонида ҳам зангори олов ёна бошлайди.

Райондаги «Пахтакор» жамоа хўжалигининг Ултарма, «Победа» жамоа хўжалигининг Кўғоли қишлоқларидаги олтмишдан ортиқ хонадон ҳам табиий газ билан таъминланди. Боғдод «Райгаз» идораси ходимлари шу кунгача район қишлоқларида 27 километр масофага газ қувури тортиб, 491 хонадонни зангори олов тафтидан баҳраманд этдилар.

ЭЛЕКТРОНИКА НАЗОРАТ ҚИЛАДИ

Тебранма назорат ўлчов асбоблари мажмуи Фарғонадаги «Азот» бирлашмаси кимёгарларига авариялар ва ишлаб чиқариш режадан ташқари тўхтаб қолишининг олдини олишда ёрдам беради. Уни Фарғона дорилфунунининг олимлари корхона буюртмасига асосан ишлаб чиқдилар.

Компрессорларнинг ниҳоятда тез ишлаши золдирли подшипникларнинг муддатидан илгари ишдан чиқиб, парчаланиб кетишига олиб келади. Натижада компрессорлар ишдан чиқади. Шу вақтгача бошқарув пульти оператори золдирли подшипникларнинг ҳолатини компрессорнинг тебранишига қараб аниқларди. Бу ишнинг аниқлиги операторнинг малакасига боғлиқ бўларди.

Энди унга электрон асбоблар ёрдам беради. Маълумотлар оператор пультига келиб тушади, бу эса компрессор ишини ўз вақтида тузатиш имконини беради. Асбоблар мажмуи заводда синовдан ўтди ва аммиак ишлаб чиқариш цехида жорий этилди.

(ЎзТАГ).

РАСМИЙ ТАШРИФ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркия Жумҳуриятининг Президенти Турғут Ўзалнинг таклифига биноан 1991 йил 16—19 декабрда расмий визит билан Туркияга ташриф буюради. Музокараларда икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни ўзаро манфаатдорлик асосида ривожлантириш имкониятлари муҳокама қилинади.

29 декабрь–Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш куни

МАЪҚУЛЛАШДИ

Бухоро вилоятининг Конимех районидаги В. И. Ленин номли 2-мактабда 29 декабрдаги Президент сайловига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда жумҳурият президентлигига номзодлар кенг муҳокама қилинди. Баҳс, мунозаралар қизғин тус олди.

Йиғилишда сўзга чиққанлардан У. Жайнаров, С. Нурекямова, И. Маханова, Н. Калонова, А. Абдуллаев, Р. Бегежановалар ЎзХДП Марказий Кенгашининг II пленумида номзоди кўрсатилган И. А. Каримовни қўллаб-қувватладилар. Мактабнинг юздан зиёд муаллимлар жамоаси сайловда республиканинг бугунги Президенти И. А. Каримов номзоди учун овоз беражакларини баён қилдилар. Сайловда мазкур номзодни қўллаб-қувватлаш юзасидан қарор қабул қилинди.

М. АЗИЗОВА.

ИНСОФ БИЛАН АЙТГАНДА...

Айни пайтда Ўзбекистон халқи жуда мураккаб воқеаларни бошидан кечираётир. Одамлар эртанги кун ташвиши, хилма-хил фикрлар оғушида яшамоқдалар. Мен республика президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон фуқароларига йўллаган мурожаатномасини синчиклаб ўқиб чиқдим. Унда жуда аниқ юрак сўзлари битилганининг шоҳиди бўлдим. Бир нарсани унутмаслик керак. Халқимиз орасида чинакам ҳудожўй, ҳалол инсонларнинг кўплигидан қувонасан киши. Аммо айни бир пайтда билиб-билмасдан бемаъни гап-сўзларни тарқатаётган нопок кимсалар ҳам борки, улардан кўз юммаслик керак. Минг қатла шукроналар бўлсинким, юртимиз тинч. Аммо бир масала кишини ўйга толдиради. Жумҳуриятимиз ҳудудидаги барча завод, фабрикалар, ишлаб чиқариш корхоналари ишлаб турибди. Улар чиқараётган маҳсулотлар қаёққа ғойиб бўлаётир, деган савол афсуски кўпчиликни ўйлантирмоқда. Ҳақиқатдан кўз юммаслик керак. Қаёққа борманг, кимга мурожаат қилманг халқ изласа моллар, озиқ-овқатнинг тақчил турлари олиб-сотарлар, чайқовчилар қўлида. Афсуски, буни на назорат органлари ва на нуфузли раҳбарларимиз эътиборга олмаётирлар. Натижада кишиларимиз ўртасида норозиликлар келиб чиқмоқда. Кекса бир маорифчи, уруш ва меҳнат ветерани сифатида оллоҳ номини ёдга олиб бир нарсани айтишим мумкин. Ана шундай шарт-шароитда республикага ишбилармон, узоқни кўра билувчи раҳбар керак. Ислом Каримов ана шундай муносиб номзоддир. У ҳеч бир иккиланишларсиз истиқбол сари дадил ва довюраклик билан қадам ташламоқда. Худо ҳам, бандаси ҳам буни кўриб турибди. У ҳозирги қийин мураккаб бозор иқтисодиёти шароитида ногиронларни, норасида гўдакларни, ҳунар-техника билим юртлари талабалари ҳамда умуман Ўзбекистон халқини ҳимоя қилишга уринмоқда. Шу йўлда халққа нафи тегадиган фармон ва қарорларни қабул қилаётир. Бунга шукроналар айтсак камлик қилади.

Бир донишмандан илм аҳллари ичида худодан кичиги, пайғамбардан каттаси ким, деб сўрабдилар. Шунда донишманд бу саволингизга инсоф дея, жавоб бергим келади деган экан. Мен бугунги кунларимизда барча юртдошларимизга инсофу тавфиқ тилайман. Кучимиз, қудратимиз бирликда эканлигини яна бир карра таъкидлагим келади. Халқ бир ёқадан бош чиқарса, ҳар қандай муаммони бартараф этиши мумкин. Андижон районидаги мактаб ва маориф тизимида хизмат қилаётган 2 мингга яқин зиёлилар номидан ҳамда халқ таълими қошидаги ветеранлар кенгашининг раиси сифатида юртдошларимни 29 декабрдаги сайловда бугунги президентимиз Ислом Каримов номзоди учун овоз беришга чақираман.

Жалолиддин ТУРДИЕВ,
Андижон районидаги 2-ўрта мактаб директори.

ОДИЛ ФИКРЛАР

Ўзбекистон ва Қува районларида, Фарғона районининг Чимён қишлоғида ҳамда Фарғона шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига бағишланган митинглар бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари Президент сайлови кунида «ЭРК» Демократик партияси раиси Муҳаммад Солиҳ учун овоз беришга қарор қилдилар.

Вилоятнинг бошқа бир қанча районларида ҳам Муҳаммад Солиҳ номзодини қўллаб-қувватлашга бағишланган йиғилишлар бўлди.

* * *

Уруш ва меҳнат фахрийлари Бухоро вилоят кенгашининг навбатдаги пленуми битта масалага — 29 декабрь куни бўладиган Республика Президенти сайловига бағишланди. Пленумда сўзга чиққан вилоят болалар жамғармасининг раиси, И. А. Каримовнинг ишончли вакили А. Музаффаров, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Азим Раҳимов, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қизбиби Усенова, уруш ва меҳнат фахрийлари Шофиркон район кенгашининг раиси Оллаберди Исомов, 85 ёшли тарбиячи Қурбон Бадалий ва бошқалар И. А. Каримов пенсионерлар ва уруш фахрийларига доимий ғамхўрлик қилиб келаётгани, унинг республикамиз ижтимоий-сиёсий турмушида рўй бераётган ижобий ўзгаришлардаги хизматлари ҳақида гапирдилар.

Пленум қатнашчилари вилоятда яшаётган барча фахрийларни сайлов куни И. А. Каримов номзоди учун овоз беришга чақирдилар. Пленумда уларга қарата мурожаат қабул қилинди. Фахрийлар Президент И. А. Каримов номига ҳам телеграмма юбордилар. Телеграммада республикамизда ўтказилаётган барча ислоҳотларни қўллаб-қувватлашларини айтдилар.

* * *

«ЭРК» Демократик партияси Булунғур район кенгашининг таъсис конференцияси бўлди. Унинг қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кунида Муҳаммад Солиҳ учун овоз беришларини айтишди. Чунки у партия раиси сифатида ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иш олиб бормоқда. Муҳаммад Солиҳ Республика халқ депутати сифатида халқнинг фаровонлигини яхшилаш учун қаттиқ курашмоқда.

* * *

Меҳнат жамоаларида ўтказилган йиғилишларда Сирдарё вилоятининг 13 мингдан кўпроқ тиббиёт ходими Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига И. А. Каримов номзодини қўллаб-қувватлаш учун якдиллик билан қарор қабул қилдилар.

Нотиқлар, жумладан, И. А. Каримовнинг Республика мустақиллигини қўлга киритишга, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган сиёсатини минг-минглаб кишилар қўллаб-қувватлаётганини таъкидладилар. Бундан кейин ҳам Каримов ўз сиёсатини халқ фаровонлигини оширишга, юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришишга республикада осойишталик ва тинчликни сақлашга қаратиши шубҳасиздир.

* * *

«ЭРК» Демократик партияси Янгиер шаҳар таъсис конференциясининг қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига Муҳаммад Солиҳ номзодини қўллаб-қувватладилар. Сирдарё вилоятидаги барча сайловчиларга қарата бу ерда қабул қилинган мурожаатда бўлажак сайловларнинг катта аҳамияти ҳақида гапирилади, Муҳаммад Солиҳ эса республикамиз мустақиллиги учун матонатли курашчи сифатида таърифланади.

* * *

Ўзбекистон Сув хўжалиги қурилиши давлат комитетининг 170 минг кишилик жамоаси Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайлаш учун кўрсатилган И. А. Каримов номзодини якдиллик билан қўллаб-қувватлади. Митингда сўзга чиққан кишилар унинг республикамиз ижтимоий-сиёсий турмушини барқарорлаштиришдаги, истиқлол давлатни қарор топтиришдаги хизматларини таъкидладилар.

Тармоқ ходимлари Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов бундан кейин ҳам халқимиз турмушини яхшилашга қаратилган ислоҳотларни давом эттиришга, истиқлолни мустаҳкамлаш, одамлар ҳаётини яхшилаш учун имкони бор ҳамма ишларни қилишига ишонч билдирдилар. Ҳозир республикамизни бошқа берк кўчага кириб қолган иқтисодий ва ижтимоий қийинчиликлардан олиб чиқишга қодир бошқа киши йўқлиги таъкидланди.

(ЎзТАГ).

ДЕҲҚОН МАШАҚҚАТИ ОЗ БЎЛСИН

(Боши 1-бетда).

— Сир эмас, ўтган давр мобайнида пахта якказироатчилиги туфайли бошқа соҳалар, жумладан, боғдорчилик, сабзавотчилик, чорвачиликка етарли эътибор берилмади. Шу боисдан ушбу тармоқлар энг кам механизациялашган бўлиб қолмоқда. Жумҳуриятимизда мазкур соҳаларда ер ҳайдаш, қатор ораларига ишлов бериш пахтачиликда ишлатиладиган механизмлар ёрдамида бажарилмоқда. Ўсимликларни парваришлаш, дарахтларга шакл бериш, токларни хомток қилиш, зараркунандаларга ишлов, ҳосилни йиғиштириш учун зарур механизмлар, асбоб-ускуналар етишмайди.

Тошкент трактор заводида бу йил ТТЗ-30 кичик трактори намуна нусхаси ва унга тегишли айрим механизмлар яратилди. У синовдан ўтди. Бу трактор келгуси йилда оммавий равишда ишлаб чиқарилади.

Республикамизнинг бир қатор хўжаликларида ва Ўрта Осиё машина-синаш станциясида Хитойда тайёрланган Синузлн-150 ва Фентоу-180—3 маркали кичик ўлчамли тракторлар синаб кўрилмоқда. Келгусида уларни ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналарни ўзимизда ташкил этиш мўлжалланаяпти.

Чорвачиликни механизациялашга келганда жумҳуриятимиз фермаларида суғориш 93, озуқа тарқатиш 81, молхоналарни тозалаш 86, сигирларни соғиш 81 фоиз техника-ускуналар бор. Тармоқда умумий механизациялаш даражаси 74 фоизни ташкил қилади. Чорвачилик иншоотларини механизациялашда муайян қийинчиликлар мавжуд. Кўпчилик фермалар илгари қурилган, бинолари замонавий эмас. Бу мураккабликларни келтириб чиқармоқда. Ҳатто айрим механизмларни уларга жойлаштиришнинг иложи йўқ. Шунинг учун кўпинча бундай фермалар қайта мослаштирилиб, таъмирланади.

Қўмитамизда чорвачиликни механизациялаштириш бўйича махсус хизмат тармоғи ташкил этилган. Унга 3 та трест, 37 та механизациялашган кўчма колонна биркитилган. Жорий йилда улар 80 миллион сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишади. 11 ойда фермаларда 50,7 минг бош қорамолга, 9,3 минг бош чўчқага, 617 минг паррандага мўлжалланган жой комплекс механизациялаштирилди. 46 та озуқа цехи қурилиб фойдаланишга топширилди. Бу соҳадаги ишларни янада кенгайтириш, йилига 100 миллион сўмлик юмушни бажаришимиз мумкин. Аммо пудрат ишларини адо этишда маблағ чегараланганлиги улардан тўлиқ фойдаланишга тўсқинлик қилмоқда.

— Ҳамма жойда эҳтиёт қисмлар йўқлиги ёки танқислиги, таъминот ёмонлиги ҳақида кўпдан бери гапиришади. Сизлар эса худди шу нарсалар билан хизмат кўрсатасизлар. Ишлаш осон бўлмаётгандир.

— Бу ҳозирги даврга хос мушкуллик. Негаки, етмиш йилдан ортиқ вақт мобайнида республикалар бир томонлама ривожлантирилди. Бу бозор иқтисодиёти шароитида баъзи нохуш ҳолатларни келтириб чиқармоқда. 1986—1990 йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига ажратилган ва етказиб берилган эҳтиёт қисмлар ҳажми йилига 170—200 миллион сўмликни ташкил этганди. Жорий йилда эса 290 миллион сўмлик эҳтиёт қисмлар берилиши мўлжалланган. Ҳисоб-китобларга кўра бизга 350 миллион (янги баҳода 500 миллион) сўмлик шундай қисмлар талаб этилади.

Эҳтиёж билан фонд ўртасидаги тафовут катталиги сабабли жумҳуриятимизда танқислик жиддий муаммо бўлиб турибди. Уни ҳал этиш йўллари изланмоқда.

— Жойларда «снаб-снаб»ларнинг ўнга яқинини санаш мумкин. Лекин уларнинг халққа, меҳнаткашга тегаётган нафи кўнгилдагидек эмас. Таъминотда эса чалкашликлар кўп.

— Таъминот ишининг ўзига хос мураккабликлари мавжуд. Доимий равишда узилишларга, етишмовчиликларга, шунга ўхшаш камчиликларга дуч келинади. Аммо таъминотчига ҳам осон эмас. Айниқса, ҳозирги шароитда йўқни йўндириш лозим. Менимча, ҳозир таъминотчиларга амалий ёрдам зарур.

— Биз дала шийпонларини деҳқонларнинг иккинчи уйи деймиз. Бироқ уларда етишмовчиликлар бисёр. Айримларида стол-стул, телевизор, радиоприёмник у ёқда турсин, ҳатто оддий самоварлар, бошқа хўжалик моллари йўқ.

— Дарҳақиқат, бу борада камчиликлар кўп. Жойлардаги шийпонлар аянчли аҳволда. Улар зарур буюмлар билан жиҳозланмаган. Мен бунга аввало ўша жойдаги раҳбарларнинг ўз ходимларига эътиборсизлиги, лоқайдлигидан деб биламан. Шийпонлардаги мавжуд жиҳозлар ҳам хўжасизлик оқибатида муддатидан аввал яроқсиз бўлиб қолмоқда. Айни пайтда собиқ Иттифоқдаги парокандалик ҳам бу борада ўз таъсирини кўрсатаяпти. Халқ истеъмол моллари тақчиллашиб кетди.

Биз имкониятга қараб ўзимизда печка, темир ўчоқ, сув қайнатгич ва шунга ўхшаш буюмларни ишлаб чиқараяпмиз. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 11,2 миллион сўмлик истеъмол товарлари тайёрланди. Йил охиригача буни 12 миллион сўмликка етказмоқчимиз.

— Яқинда республикамиз Президенти «Деҳқон (фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва республикада ишбилармонлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида» фармон чиқарди. Унда Моддий-техника таъминоти давлат-ширкат қўмитаси зиммасига ҳам вазифалар қўйилган. Бу борада қандай тадбирлар белгиланмоқда?

— Ўзбекистон Президентининг фермер хўжаликларини мустаҳкамлаш ҳақидаги қарори катта аҳамиятга эга. Деҳқончилик-саноат мажмуи истеъмолчиларини моддий-техникавий таъминлашга келганда биз кўпроқ давлат ва жамоа хўжаликларини, қайта ишлаш корхоналарини назарда тутамиз. Фермерлар, ижара хўжаликлари, шахсий томорқадорлар, боғдорчилик ширкатлари ёддан кўтарилади. Ҳолбуки, улар ўз жумҳурият уюшмаларига эга. Шунинг учун давлат ва жамоа хўжаликларига тенглаштирилиши керак. Бу жамоалар ширкатлардан, тузатиш пунктларидан, техника сотиб олиш имкониятларидан тўлиқ фойдаланишлари керак. Келгуси йил режаларида шахсий ёрдамчи хўжаликларга, ижарачиларга, фермерларга кўпроқ моддий-техника ажратиш кўзда тутилмоқда.

— Ишдаги муаммо ва қийинчиликлар нималардан иборат?

— Бугунги кунда моддий-техникавий таъминот ниҳоятда қийин масала бўлиб қолди. Илгариги каби фонд, лимит деган гаплар йўқ. Заводлар хоҳлаган шартини ва истаган баҳосини қўйишдан тоймаяптилар. Шу боисдан биз ўзимизда кўпроқ запас қисмлар ва баъзи техникаларни ишлаб чиқаришни мўлжаллаяпмиз. Бу эса қўшимча маблағ ва ресурслар талаб қилади.

Хўжаликлар билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва комплекс техникавий хизмат кўрсатиш анча қийинчилик билан амалга оширилмоқда. Шунингдек, устахоналарга ускуналар олиш ҳам оғир муаммо. Лекин буларнинг барчасини ҳал қилса бўлади.


70 минг нафардан ортиқ кишини бирлаштирган жамоамиз олдимизга қўйилаётган вазифаларни ўз вақтида бажариш учун барча имкониятни ишга солаверади.

Суҳбатдош:
Э. ИБРОҲИМОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.



Қишлоқ Кенгаши депутати Шаҳринисо Отақулова чорвадорлик касбини эъзозлаб бахт топган аёллардан. У айниқса бу йил баракали ишламоқда. Шу кунгача кўзланганидан кўп — 52 тонна сут топширишга эришди. Моҳир чорвадор йиллик режани 15 декабрга бажармоқчи.

Х. МЕЛИБОЕВ олган сурат.



Ульянов районидаги «Қашқадарё» давлат хўжалиги сут-товар фермаси ходимлари ҳамжиҳат ишлаб, қишловни кўнгилдагидек ўтказишаяпти. Моллар рацион асосида парваришланмоқда. Кунига ҳар бир сигирдан 10—12 килограммдан маҳсулот олинмоқда. Узаро мусобақада сиз суратда кўриб турган Дилором Холова пешқадамлик қилаяпти.

Б. ИСМОИЛОВ олган сурат.

Чет элларда

ЭЛЧИ МИШ—МИШЛАРНИ РАД ЭТДИ

САНТЬЯГО. (ТАСС). Чилининг Москвадаги элчиси Клодомиро Альмейда ГДРнинг собиқ раҳбари Эрих Хонеккерга Чилига жўнаб кетиш имкониятини яратиб беришга ўзининг алоқадорлиги хусусидаги миш-мишларни рад этди. ЭФЭ ахборот бошқармасининг хабар қилишича, элчи Сантьягода бўлган вақтида журналистлар билан ўтказилган учрашувда Э. Хонеккерга рухсатнома бериш масаласида «ўз шахсий фикрига эга эмаслигини», балки Чили ҳукуматининг тегишли кўрсатмаларига амал қилаётганини айтди.

Бундан аввал Чили маъмурлари социалистик мамлакатнинг собиқ раҳбари Германия паспортига эга бўлган тақдирдагина ҳеч қандай тўсиқинликсиз мамлакатга келиши мумкинлигини расмий равишда айтган эдилар. Акс ҳолда у қамоққа олиниши ва Германия маъмурларига топширилиши мумкин. Э. Хонеккер Германия—Германия чегарасида одамларнинг ундан ўтишга уринишлари пайини қирқиш мақсадида қуролдан фойдаланиш тўғрисида буйруқ берганликда айбланмоқда. Ана шунинг натижасида Шарқий немислардан 200 га яқин киши ҳалок бўлган эди.

К. Альмейда ўзининг Э. Хонеккер билан Москвада бўлган норасмий учрашувларидан бирида ГДРнинг собиқ раҳбарига у қизи Сония билан рождество байрамини ўтказа олиши учун вақтинчалик рухсатнома беришга ваъда қилганлиги хусусида Германия матбуоти тарқатган хабарларни «тўқиб чиқарилган» хабарлар деб айтди. Сония ҳозир чилилик эри билан у ерда яшамоқда.

Айни вақтда Пиночет диктатураси даврида собиқ ГДРдан сиёсий бошпана топган Чилининг Москвадаги элчиси бир неча кун аввал Э. Хонеккер билан учрашганини тасдиқлади. «У менинг дўстим, деди элчи, биз Э. Хонеккер билан анчадан бери танишмиз. У билан Шарқий Германияда ҳам, Совет Иттифоқида ҳам кўп марта учрашганман», — деди К. Альмейда.

Э Хонеккернинг тақдири ҳали ҳам Чили жамоатчилигининг диққат марказида турибди.

АМЕРИКА МУТАХАССИСЛАРИ ТАКЛИФИ

ВАШИНГТОН. (ТАСС мухбири Владимир Матяш). СССРда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини қандай қилиб юксалтириш ва мамлакатнинг қарийб 300 миллион аҳолисини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мумкин? Айова Штатининг давлат дорилфунуни ҳузуридаги қишлоқ хўжалиги ва қишлоқни ривожлантириш марказининг директори, қишлоқ хўжалиги профессори Стэнли Жонсон бошчилигидаги бир гуруҳ америкалик мутахассислар бу саволга жавоб беришга ҳаракат қилдилар.

Мутахассисларнинг фикрига қараганда, Совет қишлоқ хўжалиги ва унга туташ бўлган иқтисодий тармоқлар Совет Иттифоқи «жаҳон тизимининг ажралмас қисмига айлангунича» уч босқичдан ўтиши лозим. «Бу босқичларнинг бирортаси енгил кечмайди», — деб огоҳлантирди жумладан С. Жонсон. Гарчи бу босқичма-босқич ривожланиш совет халқи учун оғир эканлиги мутлақо равшан бўлсада, деб таъкидлади у, режанинг дастлабки босқичида «нарх-навога эрк бериш» назарда тутилади. Тузум энди буйруқбозликка асосланган иқтисодиётни қўлланишга қурби етмайди, деди мутахассис. Иқтисодий тартиб, моддий омиллар ва эркин бозор нархлари буйруқбозлик тизимининг ўрнини эгаллаши керак.

ДОН ҲАҚИНИ КУТИШЯПТИ

БОНН. (ТАСС). Бонида ўтказилган музокаралар Совет Иттифоқига бундан кейин дон етказиб бериш мавзусига бағишланди. ДПА ахборот бошқармасининг хабар қилишича, айни вақтда Борис Ельциннинг Германиядан ёки Европа ҳамжамиятига аъзо бўлган бошқа мамлакатлардан қисқа муддат ичида Россияга 15 миллион тонна дон етказиб беришн тўғрисидаги истаги муҳокама қилинди.

Германиянинг дон билан савдо қилувчи мутахассислари фикрига қараганда, 1992 йилнинг ёзигача Европа ҳамжамияти мамлакатларидан уч миллион тоннадан тўрт миллион тоннагача дон етказиб бериш мумкин. Унинг икки миллион тоннагача бўлган қисмини ГФР таъминлайди.

Германиянинг Гамбург-дан Ростоккача бўлган портларида тахминан бир ярим миллион тонна дон тўпланиб қолган. У собиқ СССРга жўнатиш учун мўлжалланган. Бироқ ҳеч ким бу донни тушириб олмаяпти, чунки Совет томони ҳақ тўлаш учун тегишли молиявий ҳужжатларни юбормаяпти.

Бозор муаммоси ечилмоқда

Ностандарт ускуналар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Ташавтоматика» заводи Челябинскдан токарлик дастгоҳларини олди. Бунинг эвазига Уралга... кўрпа-ёстиқ жилдлари, чойшаблар жўнатди.

— Шундай қилишга мажбур бўляпмиз, — дейди завод бош муҳандисининг ўринбосари В. Новиков. — Эски алоқалар ёрдам бермай қўйди. Кўриб турибсиз, бевосита мол алмашиш йўлларини излаяпмиз. Бозорга ҳам ишлаяпмиз. Яқинда бир цех очдик, у ерда дельта-план чиқиндиларидан чиройли халтачалар тикяпмиз. Ёғочга ишлов берувчи дастгоҳлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик.

Ижара туфайли талабни тез эътиборга олиб ишлаш имконияти туғилмоқда. Бундан бир неча ой муқаддам завод бир неча кичик корхона ва кооперативга бўлиниб кетган эди. Бундай бўлинмалар ҳар бирининг банкда ўз ҳисоб дафтарчаси бор, улар тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтган. Кичик корхоналар ва кооперативлар ўзларининг анъанавий маҳсулотларини тайёрлаш билан иш бошлаган эдилар. Масалан, «Интрокс» асбоблар ва хилма-хил жиҳозлар ишлаб чиқара бошлади, «Пластик» металлга ишлов бериш билан шуғулланди, «Скиф» билан «Наврўз» эса металл ва пластмассадан халқ истеъмол моллари ишлаб чиқара бошлади, «Дельта» бўлса дельта-планлар йиға бошлади. Ҳозир улар 30 хилдан кўпроқ маҳсулот, жумладан, пластмасса буюмлари, боғ ҳовли мебеллари, мураккаб рўзғор техникаси ремонти учун стендлар чиқаришмоқда. Ногиронларнинг аравачаларини ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўрилмоқда, мураккаб электр рўзғор моллари ишлаб чиқариш имконияти ўрганилмоқда.

Ижара маҳсулот турларини тез-тез ўзгартириб туриш ва уларни кўпайтириш имконини берди. Бундан завод ишчилари ҳам, раҳбарият ҳам манфаатдордир. Шу мақсадда маъмурият техникавий ҳужжатларни зудлик билан тайёрламоқда, таъминот ва савдо ишлари билан шуғулланмоқда. Ижарачилар эса унинг бу меҳнатига ҳақ тўлашмоқда.

(ЎзТАГ мухбири).

ХАТАРЛИ ҚУРИЛМА

ОТТАВА. (**ТАСС мухбири Валентин Василец**). Канадада ишлаб чиқарилган «Кандў» ядровий реакторларида жиддий камчиликлар бор. Бу эса улардан фойдаланишда хавф-хатар туғдиради. Ана шу нарса «Гринпис» ҳаракати тайёрлаган ва мамлакат ядровий дастурларини таҳлил этишга бағишланган маълумотномада таъкидланади. Маълумотнома муаллифлари «Кандў»да Чернобиль реакторидаги сингари камчиликлар борлигини айтишган. Бунинг натижасида 1986 йилда жаҳонда энг катта ядро фалокати юз берган эди. Маълумотнома 1989 —1990 йилларда Онтарио вилоятидаги учта реактордан фойдаланиш чоғида қайд этилган расмий ҳужжатларга асосланади. Маълумотнома муаллифларидан бири Стэн Грейнинг уқтиришича, «Онтариодаги станциялар тизимида бўлган узилишлар ва можаролар рўйхатининг охири кўринмаётгани кишини чўчитади». У рўй берган нохуш ҳодисалар тўғрисидаги «юзюзлаб» ҳисоботлар Чернобилдаги сингари воқеалар эҳтимоли борлигини кўрсатиб турибди.

Бироқ, реакторлардан фойдаланувчи «Онтарио Хайдро» компанияси таҳлил бўлими раҳбари Жианни Фрескура «Гринпис» маълумотномасидаги хулосаларни рад этди. Унинг фикрини «Кандў» реакторлари лойиҳалаштирган «Атомик Энержи оф Канада» давлат корпорациясининг вакили Жерри Хопвуд ҳам қўллаб-қувватлади. Хопвуднинг сўзларига қараганда, реакторлар жараён назоратдан чиқиб кетишининг олдини олишга қодир бўлган хавфсизлик тизимларига эгадир.

ОЛТИН ЖЎНАТИЛДИ

ТОКИО. (ТАСС мухбири Василий Головнин). Совет Иттифоқи шу йилнинг январидан августига қадар бўлган даврда Японияга 12 тонна олтин сотди. Уни сотиб олиш билан шуғулланаётган «Танака кикиндзоку когио» компанияси собиқ СССРдаги шериклардан қимматбаҳо металлни олишда ҳеч қандай муаммоларга дуч келмаётганини маълум қилди. Фирма вакилининг бу ерда ҳабар қилишича, у СССРда олтин ниҳоятда етишмаётганини сезаётгани йўқ. Ваҳоланки, бу ҳақда Ғарбий матбуот саҳифаларида кўп ёзишмоқда.

«Танака кикиндзоку когио» компанияси 1987 йилдаги шартномага мувофиқ СССРдан ҳаво йўли орқали муайян миқдорда металл олиб турибди. Компания ўзининг белгиланган миқдордаги заҳиралари камайиши биланоқ Совет Иттифоқига мурожаат қилмоқда. Шу йилнинг августида Совет Иттифоқида давлат тўнтариши уриниш бўлганидан сўнг самолётларда мамлакатга олтин ташиб келтириш вақтинча тўхтаб қолган эди. Бироқ ҳозир «ҳаммаси жуда яхши кетяпти», деди фирма вакили Токиода чиқадиган «Аэра» ҳафтномаси мухбири билан суҳбатда. «Биз олтининг янги туркумини ҳар гал сўрашимиз биланоқ, уни уч-етти кун мобайнида оляпмиз,—деди у.

Сарҳисоб

ОМАД ИШНИНГ КЎЗИНИ БИЛГАНДА



Ота-боболаримиздан мерос бўлган деҳқончилик ғоят қийин касб. Пахтачилик эса янада машаққатли, мураккаб, айни пайтда нозик соҳа ҳисобланади. Уюлажак оқ олтин хирмони тақдирини кўп жиҳатдан пахтакор меҳнати, тадбиркорлиги ва шарорит қандай келиши ҳал этади. Ерга чигит қадаган билан ғўза ўз ҳолича ўсавермайди, ҳосил ўзўзидан етилавермайди. Бунинг устига ҳар йили об-ҳаво ҳам инжиқлигини кўрсатиб қўяди. Якунланиб бораётган жорий йилни олайлик. Кўклам ноқулай келди. Май ойининг сўнгги кунларида ҳам уруғ ташланди. Табиат ўйини туфайли пахта майдонларимизнинг деярли ярмига қайтадан, айрим пайкалларга эса икки карра чигит экилди.

Хўжаликка раҳбар бўлганимга уч йилдан ошди. Уни қабул қилганимда давлатдан қарийб миллион сўм қарздор эди. Сурункасига олти йил режалар бажарилмаганди. Вазият ниҳоятда оғир, одамларнинг руҳи синиқ, кайфияти хира эди. Қишлоқларимиз район марказига шундоқ туташ бўлгани учун кўпчилик у ердаги саноат корхоналарига, қурилиш ташкилотларига ишга ўтиб кетган, хўжаликда иш кучи озайиб қолганди.

Лекин одамлар кайфиятини кўтариб, ишончни йўқотмасдан ишни дадил бошладик. 800 гектар ерга чигит вақтида экилди. Деҳқонларимиз эрта баҳордан кеч кузгача қаттиқ меҳнат қилишди. Натижа ёмон бўлмади. Гектаридан қарийб 31 центнердан ҳосил олиб, қабул пунктига 2465 тонна оқ олтин етказиб бердик. Хуллас, астойдил ҳаракатларимиз зое кетмади. Бошқалар олдида ҳам юзимиз ёруғ бўлди. Қатор йиллар мобайнида хўжалик биринчи бор йилни фойда билан якунлади. Одамлар қўли пул кўрди. Энг асосийси шу эди. Чунки меҳнатдан келадиган манфаатдорлик турмушнинг энг муҳим шартидир. Лекин бунга илгари амал қилинмасди.

Пахта майдонларини қисқартира бориб, ҳосилдорликни ошириш ҳисобига ялпи хом ашё ҳажмини сақлаб қолишга интилаяпмиз. Чунки якказироатчилик бизни ҳам қийнаб қўйганди. Шунинг учун бултур 734 гектарга чигит қададик. Бу олдинги йилдагидан 66 гектар кам эди. Жорий йилда пахтазорларни кескин озайтириб, 648 гектар майдонда ғўза ўстирдик.

Жорий йилда ҳам деҳқонларимиз фидокорона меҳнат қилишди. Об-ҳаво инжиқлик кўрсатишига, шароит қийин келишига қарамай, нафақат пахтадан, балки бошқа экиндардан ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Ҳар гектар ердан 29 центнердан оқ олтин саранжомланиб, давлатга 1916 тонна хом ашё сотилди. Пилла, сабзавот, гўшт, сут етиштириш режалари ҳам ошириб бажарилди.

Деҳқончиликдан келаётган фойда йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Илгари пахтачиликдан йилига 1,5 миллион сўмдан зиёд даромад қилардик. Бу йил 5 миллион сўм фойда олиш мўлжалланмоқда. Қўлга киритилаётган ютуқлар бугунги мураккаб шароитда деҳқоннинг қаддини кўтармоқда. Хўжаликдан бошқа ёққа кетганлар эндиликда иш сўраб келмоқдалар. Аслида ҳам шундай бўлиши керак. Чунки деҳқончилик ривожланмас экан, бу давлатда мўлкўлчилик, тўкинчилик бўлмайди.

Ҳозир мамлакатда иқтисодий танглик ҳукм сурмоқда. Ўзаро тузилган шартномалар бажарилмаяпти. Иттифоқ шартномасини гапирмаса ҳам бўлади. Нархнаво кундан-кунга кўтарилиб бормоқда. Булар албатта, деҳқонга ҳам таъсир қилмоқда. Шароит мутахассислар, айниқса раҳбар кадрлардан омилкорлик, тадбиркорлик кўрсатишни, узоқни кўзлаб иш тутишни талаб этмоқда. Шу боис чорвачиликни ривожлантираяпмиз. Бу хўжаликка мўмай даромад келтирмоқда. Биз аввало ем-хашак базасини мустаҳкамлаяпмиз. Жорий йилда 192 гектар ерга беда, 50 гектарга маккажўхори, 10 гектарга эса озуқа лавлаги ўстириб, улардан яхши ҳосил олинди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллашган ҳозирги шароитда бор ички имкониятларни ишга соляпмиз. Колхозчилар учун 15 гектарга сабзавот, 5 гектарга полиз экинлари, 5 гектарга картошка, 2 гектарга нўхат, 2 гектарга кунжут, 2 гектарга ерёнғоқ, 1 гектарга мош экдик. Етиштирилган маҳсулотларни деҳқонларимизга тарқатдик, болалар боғчаларига бераяпмиз.

Уруғчиликда гап кўп. Ўтган йилдан бошлаб ғўзанинг С—9070 навини эка бошладик. У тезпишар, толаси сифатли, бизнинг иқлимимизга мос экан. Жами хом ашёнинг 60 фоизи биринчи сортга топширилди. Табиийки, шунга яраша даромадимиз ҳам ортиб бормоқда. Бу йил хўжаликда ҳар сўм асосий иш ҳақига якунда 1 сўмдан зиёд қўшимча берилди. Янгибой Мардиев, Файзулла Мирзаев, Саидолим Равшанов бошлиқ бригадаларда бу кўрсаткич 1,5—2 сўмни ташкил қилади.

Республикамиз Президентининг аҳолини бугдой билан таъминлаш тўғрисидаги фармонини, гарчи хўжалигимиз пахтачиликка ихтисослашган бўлса-да, ўз кучимиз билан бажардик. 40 гектар ерда бугдой ҳосили яхши бўлди. Ҳар оилага 150—200 килограммдан дон тарқатилди. Аҳолига жами 73 тонна ғалла тақсимланди. Шунингдек, Президентимизнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларга ем-хашак, одамларга чорва моллари бериш тўғрисидаги фармонлари ҳам изчил амалга оширилмоқда. Жорий йилда 760 тонна ем-хашак, 25 бош қорамол, 1200 парранда арзон нархда сотилди. Бу колхозчилар шахсий чорвасини ривожлантиришга сезиларли ёрдам бермоқда.

Ҳозирги мураккаб пайтда аҳоли турмушини яхшилаш учун ҳамма имкониятдан фойдаланаяпмиз. Одамларни маҳсулотлар, айниқса, ун билан таъминлаш доимо диққат марказимизда. Чунки қишлоқ шароитида бу соҳада узилиш бўлмаслиги керак. Омборимизда ғалла бор. Муҳтож кишиларга уни тарқатаяпмиз. Бугун-эрта тегирмон ишга туширилади. Мойжувоз эса ишлаб турибди.

Кун кечириш қийинлашиб, муаммолар тобора кўпаймоқда. Шундай пайтда одамларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш хўжалик раҳбариятининг биринчи галдаги вазифасига айланган. Буни эсдан чиқарганимиз йўқ. Айниқса, нафақахўрлар, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатилмоқда. Хўжалигимиз ҳудудида яшовчи тўрт нафар Улуғ Ватан уруши қатнашчисига деярли ҳамма нарса бепул берилмоқда. Давлат нафақасини олувчи 21 кишига ҳар ойда хўжалик ҳам ўз нафақасини қўшиб бераяпти. Шунингдек, қоплов пули миқдорини ошириб бораяпмиз. Август ойига қадар 60 сўмдан тўланган бўлса, сентябрь-ноябрь ойларида 100 сўмдан берилди. Декабрдан бошлаб унинг миқдори яна кўпайтирилди.

Юқорида айтганимдек, район маркази хўжалигимизнинг ёнгинасида жойлашган. Бизни қисиш ҳисобига Иштихон шаҳри кенгаймоқда. Шунга қарамасдан республика Президентининг аҳолига уй-жой ва томорқа учун ер бериш тўғрисидаги фармонини изчил бажармоқдамиз. Бултур 42 гектар, жорий йилда эса 20 гектар майдон одамларга ўлчаб берилди. Йил охирга қадар яна 7 гектар ерни тақсимлаш мўлжалланган. Ниятимиз навбатда турганларнинг талабини тўла-тўкис қондиришдир.

Ҳозир тадбиркор ва омилкорнинг ишлаш даври. Ишнинг кўзини билган ютмоқда. Халқ депутатлари район Кенгашининг раиси Т. Йўлдошев ташаббуси билан кейинги икки йилда бир қанча хайрли тадбирлар амалга оширилди. 1989 йилда ташқи иқтисодий алоқалар уюшмаси ташкил этилганди. Биз ўтган йили шу ташкилотга режадан ташқари тайёрланган 297 тонна пахтамизни топширган эдик. Уюшма бу маҳсулотларни хорижий мамлакатларга сотди. Хўжалигимиз ўша хом ашё эвазига 12 тонна чигит ёғи, 13 минг метрдан зиёд газлама, 800 минг сўмга яқин пул олди. Ёғ дўконда килограмми 2 сўм 80 тийин туради. Бизга эса 1 сўм 60 тийиндан тушди. Аъзоларимизга шу баҳода сотдик. Газлама ҳам арзон нархда тарқатилди. Омборимизда ҳозир ҳам ёғ бор, уни мавжуд 4 та болалар боғчасига бераяпмиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг режадаги пахта толасининг беш фоизи ҳамда белгиланганидан ортиқча шундай маҳсулотнинг ҳаммасини хўжаликлар ихтиёрига бериш тўғрисида чиқарган фармони айни муддао бўлди. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида айниқса, у хўжаликларга катта ёрдам ҳисобланади. Бугунги вазият ҳар бир жамоадан, кишидан ташқи бозор билан эркин савдо-сотиқ қилишни тақозо этмоқда. Биз юқорида айтилган фармонга кўра ўзимизга тегадиган пахта толасини райондаги ташқи иқтисодий алоқалар уюшмаси орқали сотамиз. Негаки ушбу ташкилотнинг фаолияти хўжалигимизга жуда қўл келмоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг давлат харид нархлари бироз оширилганлиги ялпи даромадни кўпайтирмоқда. Бу эса қишлоқларни ободонлаштириш, аҳолининг яшаш тарзини яхшилаш ишларига кўпроқ маблағ ажратиш имконини бераяпти. Айни пайтда хўжалигимизда газлаштириш ишлари жадал олиб борилаяпти. Бунга 1,5 миллион сўм ажратилган. Келгуси йилнинг ёзига қадар хонадонларимиз тўлиқ газлаштирилади. Якка тартибда турар-жой қураётганларга 15 минг сўм узоқ муддатли қарзлар берилди.

Бозорда ҳам, дўконларда ҳам нархнаво кун сайин ўзгариб, кўтарилиб бормоқда. Бу деҳқонларнинг ташвиш ва муаммоларини ошираяпти. Тўғри, жорий йилда оқ олтин харид нархи бирмунча оширилди. Лекин шу билан тўхтаб қолмаслик, балки уни бундан буён ҳам кўтариб бориш лозим. Шунингдек, бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид баҳоларини ҳам оширмоқ керак. Бошқача айтганда, ҳаёт билан баравар қадам ташлаш зарур.

Хуллас, ҳамма имкониятларни хўжаликни иқтисодий жиҳатдан бақувват, тўқ жамоага айлантиришга, кишилар турмушини яхшилашга сафарбар этмоқдамиз.

Ж. КАРИМОВ,
Иштихон районидаги Фрунзе номли жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси.

ЧАКАНДАЗОР СИЙРАКЛАШМОҚДА

Маҳаллий шароитда ўсадиган чаканда ноёб турининг мевалари Ўзбекистонда ниҳоятда камайиб кетди. Яқин-яқингача Жумҳуриятимиздаги барча дарёларнинг соҳилларида чакандазорларни учратиш мумкин эди. Энди эса бундай жойлар анча сийраклашиб кетди. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида ёввойи ҳолда ўсадиган чакандаларни энди у ер, бу ердагина учратиш мумкин. Зарафшон қўриқхонасининг ҳудудидагина ана шу ўсимлик сақланиб қолган. Унинг ходимлари бу ерда ўсаётган чакандаларнинг 10 хилдан кўпроғини рўйхатга олганлар лекин қўриқхонада ҳам ҳар куз фаслида болталарнинг овози эшитилади, чаканда мевасини териб кетиш учун ғайриқонуний равишда келган кишилар унинг шохларини болта билан чопиб ташлашади.

Олимлар ҳозир чаканда ўсадиган майдонлар атиги минг гектар ерни эгаллаб турганини аниқладилар. Бу ерлардан ҳар йили кўпи билан 100 тонна ҳосил олинади.

Чаканда буталари қумлоқ ерларда ҳам, ер ости сувлари кўп бўлган жойларда ҳам ўсаверади. Тўқайларда ўсадиган чакандаларнинг мевасини ҳам, барглари ҳам, илдизи ҳам қимматбаҳодир. Чаканда мевасидан мурабболар, шарбатлар, шиннилар тайёрлашади. Лекин яраларни, куйганларни даволашда, ошқозон яраларини ҳамда бошқа хасталикларни даволашда тиббиётда қўлланиладиган чаканда мойи энг қимматбаҳо мойлардан ҳисобланади.

Қиш фаслида чакандалар паррандаларнинг энг севимли овқатига айланади. Қирғовуллар, чуғурчиқлар, қораялоқлар ва бошқа паррандалар уни жуда яхши кўришади. Лекин чаканданинг пишган мевасини севишади. Уларнинг иштаҳасига қараб қиров тушган пайтда қизил, сариқ рангга кирадиган мевалар пишиб етилганини сезиш мумкин.

Чаканда таркибида аскорбин кислотаси, органик кислоталар, бошқа шифобахш витаминлар жуда кўп. Ана шунинг учун ҳам уни босиб-янчиб келадилар. Мева териш мақсадида шафқатсизларча кесиб ташланган шоҳларини кўриб ачиниб кетасиз. Бундай дарахтлар беш-олти йилдан кейингина ўзини тиклаб олиши мумкин. Лекин «текин даромад» пайида бўлганларнинг бу билан ҳеч қандай иши йўқ. Чакандазорлар эса жуда ёмон қўриқланмоқда.

Чаканда дарахтларини сақлаш ва уларни кўпайтиришнинг бирдан-бир йўли — сунъий равишда кўпайтиришдир. Ўзбекистон Фанлар академияси ботаника илмгоҳининг олимлари шу муаммо билан шуғулланмоқдалар. Улар чаканда дарахти етиштиришнинг бир неча усулини яратдилар. Мевасидан мой олингандан кейин қолган уруғликдан фойдаланиш жуда самарали бўлиб чиқди. Ана шундай уруғлар экилган далаларда беш йилдан сўнг қалин чакандазорлар пайдо бўлади. Чаканданинг анча истиқболли хиллари ажратиб олинди. Улар сунъий далаларда яхши ўсади ва кўпаяди. Бизда Сибирда етиштирилган чаканда дарахти ҳам иқлимга яхши мослашди: айни вақтда унинг тиканлари йўқ, мевасини териб олиш осон.

Ўсимлик мойи берадиган дарахтларни пахтазорларга яқин ерларда экиш тавсия этилмайди. Илмгоҳда пастликларга қаламчалар ва илдизидан чиққан кўчатларни экиб, чаканда етиштиришни, кейин эса кўчатларни тоғ ён бағирларига кўчириб ўтқазишни таклиф қилдилар. Шундай қилиб, Тянь-Шань тоғининг Угам қисмида тажриба далаларига асос солинди.

Чаканда дарахтларини сунъий етиштириш натижасида фойда олиниши исботланди. Чаканда, бошқа шифобахш ўсимликларни тайёрлашда олимларнинг тавсияларидан кенг кўламда фойдаланилса, диёримизда йўқолиб кетаётган кўпгина ўсимликларни сақлаб қолиш билан бирга, уларни табиатга зарар етказмаган ҳолда тиклашни ҳам ўрганиш мумкин.

Л. СТРУННИКОВА,

ПУЛ БЎЛСА, ЧАНГАЛДА ШЎРВА

Олтинкўл районидаги «Коммуна» жамоа хўжалиги механизаторларнинг хонадонларини газлаштириш учун бир миллион сўм пул сарфлади. Бу ижтимоий соҳани ривожлантириш борасидаги бирдан-бир иш эмас: хўжалик деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш топшириқларини доим ошириб бажаради. Натижада мунтазам равишда катта даромад қилмоқда.

Бу ерда кейинги икки йил ичида 280 ўринли болалар боғчаси, чойхона, ғишт заводи қурилди. Якка тартибда уй қураётган кишилар ана шу заводда ишлаб чиқарилаётган ғиштлардан жонжон деб фойдаланмоқда.

Лекин бугунги кунда газлаштириш энг муҳим вазифа бўлиб турибди. Иттифоқ, Сароён, Қорақалпоқ, Офтобачек маҳаллаларининг аҳолиси ҳозирнинг ўзидаёқ зангори оловдан фойдаланмоқда. Эндиликда хўжаликнинг сўнгги манзилгоҳи — Мадёрчекда ҳам газ қувурлари ётқизиб бўлинмоқда. У ерга газ келиши билан жамоа хўжалигида хонадонлар ва жамоат биноларини иситиш тўғрисидаги масала бутунлай ҳал этилади.

МАҲСУЛДОРЛИК КАМАЙМАЁТИР

Пешку районидаги Ибн Сино жамоа хўжалиги фермаси декабрь ойи бўлишига қарамай, ёз фаслидагига нисбатан кам сут соғиб олаётгани йўқ. Қишга турлитуман ем-хашак ва озуқани етарли даражада ғамлаб қўйган чорвадорларнинг меҳнати туфайли шундай натижага эришилди. Бу эса давлатга қарийб 500 тонна сут ва 70 тоннага яқин гўшт сотиш имконини берди. Чорвадорлар маҳсулот етказиб бериш йиллик режасини муддатидан илгари уддалаш ниятидадирлар.

Қишловга пишиқ-пухта тайёргарлик кўрилганлиги сабабли ферма шу кунларда жуда яхши ишламоқда. Бу йил ем-хашак ғамланадиган саройни ферма ҳудудидан ташқарига олиб чиқишди, натижада ем-хашакни яхшироқ сақлаш имконияти пайдо бўлди. Озуқа цехида молларни боқиш учун ҳар эҳтимолга қарши кўплаб ем-хашак ғамлаб қўйилган. Чорвачилик бинолари ремонтдан чиқарилди, иситилди, жамоа хўжалиги бинокорлари сут-товар фермасининг моллар туғадиган бўлимида айниқса қунт билан ишладилар.

Одамларни ҳам унутишмади. Шинам ва озода «чорвадорлар уйи» сут соғувчилар ва молбоқарларни қабул қилишга ҳамма вақт тайёр. Кийим ечиш хоналари озода, ферманинг ҳаммоми ҳам бор.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

● **Қорақалпоғистондаги Дзержинский номли совхозда янги цех ишга туширилди. Унинг ходимлари жунгиламларнинг дастлабки туркумини тўқиб чиқардилар. Корхона хўжалик раҳбариятининг ташаббуси билан очилди. Цех кўпгина уй бекалари ва қишлоқ мактабларини битирган қизларни яхши ҳақ тўланадиган иш билан таъминлаш имкониятига эга. Гилам тўқиш корхонасининг рентабеллиги ҳам юқори: чунки тақчил буюмлар хўжаликнинг ўзида тайёрланган жундан чиқарилади. Совхоз чеварлари тўқиган гиламлар келгусида район марказидагина эмас, Нукусда ҳам сотилади.**

● **Андижонда Комил Яшин номли шоҳ кўчада «Толзор», деб аталган катта саноат моллари дўкони очилди. У андижонликлар ва вилоят маркази меҳмонларига хизмат қилади. Дўконда хорижда ги турли фирмаларда ишлаб чиқарилган неча ўнлаб номдаги харидоргир моллар бор. Маҳаллий чеварлар қўли билан тайёрланган буюмларни сотиш учун махсус бўлим ажратилган. Харидорларнинг фикрича, дўкондаги молларнинг нархи бозорга қараганда анча арзон. Нархнинг арзонлиги ҳам, буюмларнинг яхши сифати ҳам кўпдан-кўп харидорларни ўзига жалб этмоқда.**

● **Гулистон тикувчилик бирлашмасининг жамоаси йил охирида аёлларнинг янги андозадаги кўйлакларини тикиб чиқара бошлади. Шундай қилиб, қўриқ ўлка тикувчилари молларнинг хилини кўпайтириш борасидаги йиллик дастурни амалга оширдилар. Савдо мутахассисларининг хулосаларига қараганда, бу кийимлар пештахталарда қолиб кетмайди. Гулистонликларнинг режалаштирилган ишларни бажаришлари енгил бўлмагани равшан. Хом ашёнинг йўқлиги маҳсулот етказиб берувчилар билан бевосита алоқа қилишга мажбур этди. Бирлашма жамоаси биринчи январгача 50 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот чиқаради.**

(ЎзТАГ).

Қуёш инсон хизматида

ИЗЛАНИШНИНГ ЧЕКИ ЙЎҚ

Ҳамсуҳбатим 35—40 ёшлар чамасидаги йигитни менга таништираркан, қўшиб қўйди: «Тоҳиржон — олим. Техника фанлари номзоди. У киши меҳнат қилаётган илмий жамоа қўёш энергиясидан фойдаланиш муаммоси юзасидан муҳим изланишлар олиб бораяпти. Бир гаплашиб кўринг. Меннимча, ёзса арзийдиган мавзу».

Яхши таклиф. Фан ютуқларини тарғиб қилиш фойдадан холи эмас. Лекин ҳолва деган билан оғиз чучимайди-да. Бу хусусда қандай тасаввурга эгамиз? Тоҳир Иноғомов билан бўлган мулоқот кўп нарсани ойдинлаштирди.

— Ҳозир бутун мамлакатда бўлгани сингари жумҳуриятимизда ҳам вазият оғир, — дея сўз бошлади у. — Оддий фуқаро сифатида ўзингиз ҳам буни идрок этсангиз керак. Йиллар давомида қарор топган иқтисодий алоқалар дарз кетди, миллий муносабатлар кескинлашди. Жамият ҳаётида юзага келган тангликнинг маълум сабаблари бор, албатта. Бу ҳақда кўп ёзилаяпти, гапирилаяпти. Лекин нафи сезилмаётир. Бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан халқ хўжалигининг муҳим бўғинларида таъминот издан чиққани, инқироз кучайиб бораётгани сир эмас. Узоққа бормайлик. Кундалик турмушимизни, ишлаб чиқаришдаги барча техник ва технологик жараёнларни электр қувватисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Аҳолининг ўсиб бораётган ҳаётий манфаатлари ана шу бебаҳо бойликка бўлган талабни кескин ошираяпти. Бозор иқтисоди энергетика соҳасини ҳам четлаб ўтмади. Ижтимоий муаммолар чуқурлашган айни паллада энергия тақчиллиги яққол сезилиб қолаётир. Қанчалик аччиқ бўлмасин, буни тан олишдан ўзга чора йўқ. Боз устига республикамиз эҳтиёжи учун зарур бўлган энергия хом ашёсининг анчагина қисми четдан ташиб келтирилади.

Нима қилиш керак? Аҳволни бартараф этишнинг ишончли йўли битта: қўшимча энергия манбаларини излаб топиш, унинг муқобил турларини амалиётга фаол жорий этиш лозим. Ҳозир кўпгина ривожланган мамлакатларда шундай қилинаяпти. Натижа чакки эмас.

...1990 йил бошларида Ўзбекистон Вазирлар Кенгашининг қарори билан ноанъанавий энергия манбаларини ишлаб чиқаришга жорий этишга ихтисослашган илмий-техникавий марказ (НТЭНСФ) ташкил этилди. Марказ фаолияти қандай мақсадга йўналтирилганлиги унинг номидан ҳам маълум. Ўтган қисқа вақт ичида қуёш энергиясидан фойдаланиш, халқ хўжалиги соҳасидаги муҳим техник ва технологик жараёнлар давомида энергия сарфини камайтириш юзасидан бирмунча ишлар амалга оширилди. Шулардан баъзилари устида тўхталиб ўтайлик.

Маълумки, ота-боболаримиз қадим ўтмишда ақл ва тадбир билан иш кўриб, кўпгина муаммоларни мустақил ҳал этишган. Уларнинг қуёш энергиясидан фойдаланиш бобидаги тажрибалари ҳам ибратли. Замонавий, қудратли энергетика тармоғининг кенгайиши натижасида бебаҳо табиий манба эътибордан четда қолди. Марказ олимлари, мутахассислари ана шу «хато»ни тузатишга қатъий бел боғлашган. Уларнинг самарали изланишлари кишида умид уйғотади.


Ўлкамиз жаннатмакон боғроғлари, сархил ноз-неъматлари билан азалдан машҳур. Уларни тотиб кўрган киши ўзбек заминининг саховатига тасанно айтади. Лекин бу бошқа масала. Расмий маълумотларга қараганда, етиштирилаётган мева ҳамда сабзавот маҳсулотларининг 40—50 фоизи истеъмолчига етиб бормай нобуд бўларкан. Қайта ишлаш саноати бу борада оқсаб қолаяпти. Чунки ускуналар эскирган, мавжуд қувватлар самарадорлиги паст. Марказда ана шу муаммони қисман ҳал этишга муваффақ бўлинди: мева, сабзавот, полиз маҳсулотларини қуёш энергияси ёрдамида қуритишга мўлжалланган махсус мослама яратилди. У дала ва боғ шароитида ишлатиш учун қулай, оғирлиги 60 килограмм. Тузилиши содда, баҳоси арзон. Энг муҳими, мосламадан фойдаланиш орқали қуритиш муддатини очиқ ҳаводагига нисбатан уч-тўрт марта қисқартириш мумкин. Қурилма баҳор ойларида кўчат ва турли кўкатлар етиштиришда ҳам асқотади. У бир йўла 70 килограмм маҳсулотни қуритиш қувватига эга. Бу муддат олма ва сабзавот учун 1, ўрик учун 2—3, узум учун 3—4 кеча-кундузни ташкил этади.

Темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш, уларнинг мустаҳкамлигини ошириш сермеҳнат жараён. Боз устига кўп миқдорда электр энергиясини талаб қилади. Мутахассислар сарф-харажатларни анча камайтириш усулини таклиф этишмоқда. Махсус қурилма ёрдамида қуёш энергиясидан фойдаланиб, темир-бетон буюмларига йилнинг 6—7 ойи давомида иссиқлик ишлови бериш мумкин. Ана шунда йиллик умумий энергия сарфиётининг 40—50 фоизини иқтисод қилиш имкони туғилади. Бу янгиликни қўллаш ниши қурилиш саноати соҳасида муайян самара бериши шубҳасиз.

Кези келганда яна бир хайрли иш хусусида тўхталиб ўтиш жоиз. Инсон саломатлигини муҳофаза қилиш, турли хил хасталикларни замонавий воситалар орқали интенсив даволаш ҳозирги кундаги долзарб масалалардан бири. Марказ жамоаси бу борада тинимсиз иш олиб бораяпти. Бод, ўпка ва нафас олиш йўллари касалликларини қуёш энергияси ёрдамида даволашга мўлжалланган махсус мосламаларни ана шу изланишларнинг меваси дейиш мумкин. Улар ҳаёт синовидан муваффақиятли ўтди. Эндиликда Н. А. Семашко номидаги республика илмгоҳида беморлар жонига оро кирмоқда. Профилакторий ва санаторийлар, шифохоналар, даволаш муассасаларидан бу қурилмаларга қизиқувчилар топилади. Илмий марказ корхона, ташкилот, муассаса ҳамда якка шахсларга ўз хизматини таклиф этади. Талзбгорлар қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилишлари мумкин: 700084, Тошкент шаҳри, Обсерватория кўчаси, 83. Телефон: 35-75-53.

Н. ТОШЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.





СУРАТЛАРДА: 1. Қўл боди хасталигини даволашга мўлжалланган ускуна. 2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуёш энергияси ёрдамида қуритиш мосламасининг умумий кўриниши.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

ОҚ ХАЛАТЛИ НАЖОТКОР

Пахта яккаҳокимлиги туфайли йиллар мобайнида қишлоқларимизда ҳаёт қашшоқлигича қолаверди. Маиший, тиббиёт хизматидан кўнгил тўлмади. Айрим минтақаларда ҳамон болалар ўлими камаймаётганлиги, ногирон чақалоқлар дунёга келаётганлиги қалбларни ўртайди. Бироқ сўнгги ойларда Дўстлик районида меҳнаткашлар соғлигини муҳофаза қилиш, беморларни даволашда эришилаётган қувончли натижалар кўпчилик эътиборини тортаяпти. Гап шундаки, ишбилармон, жонкуяр раҳбарлар инсон омили ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилишмоқда. Пахта яккаҳокимлиги тугатилди. Барча соҳа жадал ривожланаяпти. Районда деҳқончилик ва чорвачиликдан йилига ўрта ҳисобда 20 миллион сўм атрофида соф фойда олинмоқда.

Даромадга қараб буромад дейдилар. Моддий манфаатдорлик таъминланаётгани тиббиёт соҳасини ҳам ривожлантиришга имкон бермоқда. Қувончлиси шуки, район поликлиникаси ва касалхонаси Япониядан валюта ҳисобига келтирилган нодир тиббиёт асбоб-ускунаси билан жиҳозланди. «УЗД» аппарати аҳамиятини шифокорлар алоҳида таъкидлашмоқда. Унинг ёрдамида беморнинг ички аъзолари экран орқали назоратдан ўтказилади. Саноқли дақиқаларда бу ақлли техника мўъжизаси эътибор қаратилган аъзонинг суратини тайёрлаб беради. Натижада касал қисқа вақт ичида аниқланиб, тўғри диагноз қўйилаяпти.


Поликлиника мудири, йигирма йилдан буён шифокор деган номни оқлаб келаётган Бобохон Равшановнинг таъкидлашича, бу ерда кунига 500 бемор қабул қилинмоқда. Хоналар озода, аксарият ходимлар юқори малакали мутахассислардир. Дардни аниқлаш бўлими бошлиғи Шодиёр Эшбеков, бош шифокор ўринбосари Отаёр Султонов, катта ҳамшира Раушана Ижгарина, ҳамшира Мастура Самадова фаолиятидан одамлар ғоят миннатдор бўлишмоқда.


Бу ерда 20 ўринли касалхона мавжуд. Жарроҳлик, кўз касалликлари, терапия бўлимлари иши тахсинга лойиқ. Оқ ҳалатли кишиларнинг жонкуярлиги, хизмат бурчига сидқидил муносабатда бўлаётганликлари шарофати туфайли Дўстлик районида болалар ўлими, сариқ касаллиги кескин камайди. Қишлоқлардаги врачлик амбулаториялари иши сифат жиҳатдан янги поғонага кўтарилмоқда.

— Қишлоқ одамлари ўта камсуқум бўлишади, — ҳикоя қилади бош шифокор Тамара Пардаева. — Баъзида иш, бола-чақа ташвиши деб жони оғриб турган бўлса ҳам шифокорга учрашишни эп кўришмайди. Бошлари ёстиққа етгачдагина бизни йўқлаб қолишади. Авваллари транспорт хизматининг ночорлиги, йўлларнинг нобоплиги туфайли баъзиларга вақтида ёрдам кўрсатолмасдик. Япониядан реанимация машинаси сотиб олинганлиги нур устига аъло нур бўлди. Энг афзал томони — зарурат туғилса машинанинг ўзида операция қилиш мумкин. Бу қанчадан-қанча умри азизлар ҳаётини сақлаб қолиш имконини берди.

Шифокорлар аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини ҳам олиб бормоқдалар.

М. ИЛЕСОВ.









СУРАТЛАРДА: 1. Дардни аниқлаш бўлими мудири Ш. Эшбеков Япониядан келтирилган нодир аппарат ёрдамида беморни муолажадан ўтказмоқда. 2. Сидқидил меҳнати билан эл ўртасида обрў-эътибор қозонган ҳамшира М. Саматова, катта ҳамшира Р. Ижгарина, поликлиника мудири Б. Равшанов, бош врач ўринбосари О. Султонов. 3. Тажрибали лаборант К. Абдураҳмонова иш устида. 4. Ҳамширалар З. Умарова, С. Яхшиева, М. Тоғаймуродова, шифокор У. Саиджонов ҳамда ҳайдовчи Ғ. Бўриев йўлга чиқиш олдидан.

Н. АЛМУРОДОВ олган суратлар.

КЎНГИЛГА ЭРК БЕРМАНГ, ҚИЗЛАР

Сиз бунга нима дейсиз?

Инсон дунёга келгач, бирор мақсад билан яшайди. Кимдир пулдор бўлишни, кимдир амалдор бўлишни, кимдир машҳур, яна кимдир доно бўлишни хоҳлайди. Аммо ҳеч ким девона бўлишни хоҳламайди. Одамнинг девона бўлишига, жирканч йўлдан юришига ҳаёт мажбур қилади. Балки ҳаёт мажбур қилмас, шундай аҳволга тушишга инсоннинг ўзи сабабчидир.

Ҳозирги замон ёшлари тўғрисида гапирмоқчи бўлсам, айрим айримлар ўзбекона юриш-туришларимизни четга суриб қўйиб, Оврўпо одатларга ружу қўйишаяпти. Қаршингиздан ўтаётган ўн нафар қиздан камида олти нафарининг сочи қирқилган, 8 нафари эса узун лозим киймаган бўлади. Бунга ким сабабчи? Улар бундай юришни кимдан ўрганишган? Албатта, ўзбеклардан эмас. Аввал қаерда шундай мода бўлса, ўша томондан ўтиб келган бу фалокат.

Ахир, биз ўзбекмиз-ку, бундай юришда ўзбеклигимиз қаерда қолади?

Одамлар орасида юриб аҳён-аҳёнда шундай сўзлар эшитиб қоламан. Мен бахтиёрман. Савол туғилади, нима учун? «Тагимда машинам бор, суйган қизимга уйландим, ҳеч кимдан кам жойим йўқ», дейишади. Биз уларга эмас, балки шунга хурсанд бўлишимиз керакки, аваламбор тўрт мучамиз соғ бўлиб дунёга келганимиз, қолгани ўзимизнинг қўлимизда.

Яна шундай сўзлар ҳам тез-тез қулоққа чалинади. «Ҳақиқат йўқ, муҳаббат йўқ», дейишади. Ҳақиқат ҳам, муҳаббат ҳам бор, фақат уни маҳкам ушлаш керак. Муҳаббат ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Дунёда муҳаббат бор деб яшаётганлар бор-ку, ахир. Кўнгилга эрк бериб, кўзга ёққанга севги изҳор қилиб, етаклаганни кетидан кетаверганлар учун муҳаббат борми, бу дунёда.

Баъзан ўзга юртдаги фоҳишалар ҳақида оғиз кўпиртириб гапирамиз. Улар учун ачинмай қўя қолайлик. Фақат кўнгилхушлаш учун юрган олифта қизларимиз ҳам кам эмас. Шу қизларимиз ҳақида бош қотирайлик, уларни тўғри йўлга солайлик. Бир пайтлар уларга ҳам суқсур йигитлар кўнгил қўйган, афсуски, вақт ўтиб йигитнинг ундан кўнгил совуган ва ташлаб кетишга мажбур бўлган. Қиз эса «муҳаббат йўқ» дея қолаверган. «Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас», деганларидек, қиз бошқасига «кўнгил қўйган». «Муҳаббат йўқ экан» сўзи яна такрорланган. Натижада қиз ўз йўлини йўқотиб, кўнгил хушлаш йўлини топган. Бундай бўлишига ким сабабчи? Шундай деймиз-у, аммо ҳар кимда кўнгил ҳар хил бўлади, балки уларнинг кўнгли шунақа яшашни хоҳлар. Лекин кўнгилга эрк берсак нималарни хоҳламайди.

Мен бир қизни жуда яхши танийман. У ҳозир 25 ёшда. Ўзининг айтишича, 18 ёшида номусини ўғирлатган. Аввалига йиғлаган, кейин кўника бошлаган. Энди бўлса К. исмли ўша қиз ўзгалар кўнглини хушлаш билан овора. Бунақа қизлар жамиятимизда оз эмас. Мен фақат қизларни айбламоқчи эмасман, йигитларимизнинг ҳам айби бор. Қизларнинг ўзлари қош қоқишмаса йигитлар уларнинг олдига ботиниб боролмайдилар. Тўғри, иболи, латофатли, шарму хаёли қизларимиз ҳам жуда кўп. Ўшандай қизларни кўрсам, улар олдида — поклик олдида таъзим қилгим келади. Ёшларимизнинг кўча-кўйда эр-хотиндай қўлтиқлашиб юриши одобдан эмас, деб ўйлайман. Бундай бачканаликлар бизнинг урф-одатга тўғри келмайди. Наҳотки, шундай ёшларни одобга чақиришнинг иложи бўлмаса. Ахир, ота-боболаримиз аёл кишининг юзини кўришни «номаҳрамлик» деб қарашган. Биз у даражага бормайлик-у, оз бўлса-да, шарму ҳаёли бўлайлик.

Яқинда бир ҳодисанинг гувоҳи бўлдим. Бухоролик ўртоғимнинг никоҳ кечасига боргандим. Тўй ўтди, икки кундан кейин ўртоғим келинни ҳайдаб юборди. Сабаби енгилтаклик. Наҳотки, эндигина мустақил ҳаётга қадам босаётган гулдай дилбар, бир оғиз ширин сўз учун номусини йўқотса. Бир умр жувонмарг бўлиб қолса. Ахир бу фожияку!

Биз йигитлар учун «қиз» сўзи энг пок, энг мўътабар, энг чиройли сўздир. Чунки ҳаммма оналар ўз вақтида қиз бўлганлари билан ғурурланиб юришган. Шунинг учун биз қизларни ҳурмат қилмоғимиз керак. Шундай деймиз-у, аммо ўз ҳурматини йўқотган қизларга нима деймиз?

Азиз ака-укалар, азиз опа-сингиллар, меҳр-оқибатли бўлайлик, бир-биримизни алдамайлик, йўлдан адашмайлик. Ҳурматли қизлар, қиз номига доғ туширманг, улуғ ўзбек миллатининг садоқатли қизлари бўлингиз. Бу таомил сизга жуда ҳам ярашади. Биздан кейинги келажак авлодга ҳам нуқсонларимиз ўтмаса дейман. Мен ўзбек миллатига заррача ғубор қўнишини сира ҳам истамайман.

Аюбхон САИДОВ,
ишчи.

Назм дафтаридан

ТАБИИЙ ТАШБИҲ

Қушларга ҳаловатдир
Учмоқ ва фақат учмоқ,
Парвоналарга тақдир
Тўйиб ҳарорат ичмоқ.
Атиргуллар, райҳонлар

Ўз бўйидан ўзи маст.
Бургут енгилса агар,
Ўз жонига қилур қасд.
Чумолилар боради
Тизилишиб бир қатор.
Ўзига йўл очади
Улар то уфққа қадар.
Капалак қанотида
Оғир-оғир юклар бор.
У дунё боғларига,
Тарқатади хушхабар.

Чиқиб келар кипригин
Зарга ботириб қуёш.
Топмай само кўпригин
Юлдузлар тўкар кўз ёш.
Беланчаклар солади
Ҳар бир дарахтга шамол.
Тунда хабар олади
Янги новдадан ҳамал.
Булар барн табиий,
Табиий бир имкондир.
Табиат қалби шоир,
Доно, ҳассос инсондир.
Ташбеҳлар
ранг-барангдир,
Яна йўлга қарасанг.
Дунё оловли тандир,
Гўзалликлар қаланган.

Зубайда УСМОНОВА.

СУВ ТЕГИРМОНЛАРИ

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг иқтисодий танглиги ҳисобга олиниб Фарғона вилояти Киров ноҳиясидаги Киров номли давлат хўжалигига қарашли Қўрғонча қишлоғида бир кеча-кундузда 1,5 тонна дондан ун чиқариш имкониятига эга бўлган сув тегирмони қурилиб, ишга туширилди.

Қишлоқ аҳолиси бу иншоотни қуришда бош-қош бўлган хўжалик маъмурияти, қишлоқ оқсоқоллари етакчиси Омонбой Тойиров ва уста Акбарали Ортиқовлар хизматидан беҳад миннатдор.

«Искра» жамоа хўжалигининг Қашқар қишлоғида ҳам 2 тошли сув тегирмони қурилиб, меҳнаткашлар мушкули осон этилди.

А. УЗОҚОВ.

БИР ШИНГИЛ КУЛГУ

ОТНИНГ ЯРМИ

Даҳо бозорга от сотгани борди.

— Қанча сўрайсан? — қизиқди харидор.

— Юз туман.

— Эллик бераман.

— Отнинг қолган ярмини мен кимга сотаман, — деди Даҳо.

ПАШША ҲАЙДОВЧИ

Даҳонинг чўнтак соати бузилиб қолган эди. Уни соатсозга олиб борди. Уста соатнинг қопқоғини очди ва ўлиб аллақачон қовжираб қолган пашшани олиб кўрсатди. Даҳо унга қаради ва оғир тин олди:

— Э воҳ! — деди у, — нимага тўхтаб қолди десам ҳайдовчиси ўлиб қолган эканда!

ДАҲО НЕЧА ЁШДА, УНИНГ АКАСИ-ЧИ?

— Қайси бирингиз каттароқсиз, сенми, акангми? — сўрашди Даҳодан.

— Ўтган йили ҳисоблагандик бир йил фарқ бор эди, — жавоб берди Даҳо. — Мана бир йил ўтди, энди биз, чамаси тенгдош бўлсак керак.

СИГИРНИНГ БОЛАСИ

Бир куни Даҳодан сўрашди:

— Сизларнинг шаҳрингизда сигирнинг боласини нима деб аташади?

У қанча ўйланмасин, ҳеч эслолмади.

— Бизнинг шаҳримизда уни ҳеч нарса деб аташмайди, катта бўлгунча кутишади. Шундан кейин сигир дейишаверади, — жавоб берди Даҳо.

МИНОРАНИНГ УРУҒИ

Даҳо Исфахонга келиб тебраниб турувчи минораларни кўрди ва унинг она шаҳри Қазвин мана шундай ёдгорликларга эга эмаслиги учун афсус чекди. Даҳо бир исфахонликка мурожаат қилиб сўради:

— Сизлар қандай қилиб бундай минораларни ўстиришга муваффақ бўлгансизлар?

Талаффузига кўра қазвинлик билан гаплашаётганини сезган исфахонлик деди:

— Махсус уруғлар бор, биз уларни экамиз.

У Даҳони дўконга етаклаб борди ва сабзининг уруғини кўрсатди.

Даҳо Қазвинга мамнун қайтди ва биринчи навбатда олиб келинган уруғларни ўз полизига экди. У ерда яшил поя ўсиб чиқди. Маълум вақт ўтгач Даҳо ерни ковлади ва катта сабзини кўрди:

— Эҳ, хато қилибман-а! — деди Даҳо куйиб-пишиб.

— Уруғни тескари экиб қўйибман-да, мана минора пастга қараб ўсиб, илдизлари эса юқорига кетяпти.

АГАР ЕТИБ БОРМАСА...

Даҳо дўстига хат ёзишга аҳд қилди, аммо унинг манзилгоҳини эслай олмади. Барибир мактубни ёзиб тугатди ва охирига шундай қўшимча қилди. «Агар бу хат сизга етиб бормаса, шошилинч хабар қилинг, мен яна қайта ёзаман».

ҚЎЙНИНГ КАЛЛАСИ

Бир қазвинлик дарёда қўйнинг калласи ва оёқларини юваётган эди. Қўққисидан калла унинг қўлидан чиқиб кетди. Қазвинлик бир тутам бедани олиб оқиб бораётган калланинг ортидан чопди ва овози борича қичқирди:

— Маҳ-маҳ, бу ёққа кел!

Бирдан қаёқдандир Даҳо пайдо бўлди ва қичқирди:

— Аҳмоқ, калла қандай қилиб сенга келади, ахир унинг оёғи йўқ-ку!

—Тўғри айтасан, деб қазвинлик орқага чопди, оёқларни олиб калланинг ортидан сувга отди ва ўзи дарё ёқалаб югурди:

— Маҳ-маҳ, маҳ-маҳ...

Ҳабиб СИДДИҚ тўплаган.

Муҳаррир Н. ЁҚУБОВ.

ТАБИАТ МУВОЗАНАТИНИ БУЗИШ—ХИЁНАТ

Бундан нари борса 15—20 йил олдин чўлда ҳар хил ўт-ўланлар ўсиб, теварак-атрофни турли гиёҳлар қоплаб ётарди. Гиламдек очилган лолақизғалдоқлар, сап-сариқ гуллаган қўзигули, нафармон бўлиб очиладиган чучмомалар она табиатимизга кўрк бағишлаб турарди. Ям-яшил майсазорларда турли-туман қушлар сайраб, чарх уришарди. Беданаларнинг бири қўйиб, бири сайрашидан инсон бир олам маънавий завқ оларди. Баҳор ойларида чўлни сайр этган кишилар ўзларини гўё жаннатмакон ўлкада юргандек ҳис қилишарди. Ҳозирги кунда чўлда ёввойи ҳайвонлар ҳам, табиатимиз кўрки ҳисоблаб келинган қушлар ҳам анча камайиб қолган.

Табиатни муҳофаза қилиш, сув ресурсларини ҳамда ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш мақсадида 1989 йили Ульянов районида табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси ташкил этилди. 1990 йил декабрь ойидан бошлаб у табиатни муҳофаза қилиш комитетига айлантирилди. Ҳозирги пайтда табиатни муҳофаза қилиш комитетида 5 нафар давлат назоратчиси фаолият кўрсатаяпти. Кейинги икки йилда табиатни муҳофаза қилиш комитети ва унинг назоратчилари райондаги саноат корхоналари, ташкилот ва муассасалар, хўжаликларда 249 марта текшириш, оммавий рейдлар ўтказдилар.

Текширишлар жараёнида 100 га яқин қонун бузилиши ҳоллари аниқланди. 50 нафардан кўпроқ кишига табиатни муҳофаза қилиш қонунларини қўпол равишда бузганликлари учун 2.430 сўм миқдорида жарима солинди. 96 марта ер қонунларининг жойларда қандай бажарилаётганлиги назорат қилинди. Табиатни муҳофаза қилиш комитети давлат назоратчиларининг ташаббуси билан 58 марта атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, 22 марта ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш бўйича текширишлар олиб борилди. Ўтказилган текширишлардан маълум бўлишича сувдан фойдаланиш қонунларини қўпол равишда бузган мансабдор шахс ва фуқароларга қонун йўли билан таъсир кўрсатилди ва мансабдорларга жарималар солинди. Пилла қуритиш идораси, нон комбинати, район электр-тармоқлари идорасига қарашли 6 сув тўплаш иншооти, «Қашқадарё» давлат хўжалиги1-агроучасткаси раҳбарларига, «III Интернационал» давлат хўжалиги бош миробига жарима солинди. Қонунбузар шахслардан 34 кишига жарималар солиниб, улардан 1.620 сўм маблағ тўлиқ ундириб олинди.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат назоратчилари «СССР 60 йиллиги» давлат хўжалиги ҳудудида жойлашган паррандачилик фабрикасида текшириш ўтказдилар. Текширишлар пайтида чиқиндилар, оқавалар очиқ сув ҳавзасига ташланаётганлиги аниқланди. Табиат булғаниб, одамлар саломатлигига маълум даражада зарар етказилаётганлиги учун хўжаликка 14.610 сўм пул жаримаси солинди. Чўлиев раҳбарлик қилаётган район ичимлик сув билан таъминлаш идорасига қарашли сув қувури ёрилиб кетиши натижасида жуда кўп миқдорда ичимлик сув исроф қилинганлиги аниқланди. Беш кун мобайнида анчагина ичимлик сувни исроф қилгани учун Чўлиевга 887 сўм пул жаримаси солинди. «III Интернационал» давлат хўжалигида яшовчи фуқаро Жонали Ҳақбердиевдан йўл атрофлари, дала четларига иҳота қилиш учун экилган дарахтларни қонунсиз кесганлиги учун 276 сўм ундирилди.

А. Навоий номли давлат хўжалиги ер тузувчи муҳандиси Аслон Сайдалиев томонидан бош режасиз Қўриқ қишлоғида юқори босимли сув қувури устидан фуқароларга шахсий уй-жойлар қуриш учун ер участкаси ажратиб берилган. Қарши шаҳар ижроия қўмитаси ҳузуридаги маъмурий комиссияга шаҳардаги «Қарши-ГАЗ» ташкилоти томонидан Қашқадарёнинг Ульянов районига қарашли ҳудуддан қонунсиз қум олиш ҳақида ҳужжатлар тайёрланганлиги тегишли идораларга маълум қилинди. Район прокуратураси билан ҳамкорликда А. Навоий номли, «Ўзбекистон комсомоли 50 йиллиги», «III Интернационал» давлат хўжаликларида текширишлар олиб борилганда заҳарли ҳимикатларни қонунсиз очиқ жойларда сақланаётганлиги маълум бўлди. «III. Интернационал» давлат хўжалигида эса аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш қониқарсиз аҳволда эканлиги аниқланиб, бу ҳақда тўпланган барча материаллар чора кўриш учун прокуратурага ўтказилди.

Табиатни муҳофаза қилиш, теварак-атрофни тоза ва озода сақлаш иҳота дарахтзорларини ҳимоя қилиш ҳамманинг ва ҳар бир кишининг ишидир. Лекин райондаги аҳоли яшаш жойларида чиқинди ва ахлатларни ташлаш учун махсус жойлар ажратилмаган. Яшиклар қўйиш ва ундан фойдаланиш қониқарсиз аҳволда. Ульянов пахта тозалаш заводи, 2-автомобиль корхонаси, 88-автокорхона раҳбарлари ҳам табиатни муҳофаза қилиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишга етарли даражада эътибор бермаяптилар.

Халқимизда «Соф ҳаво — танга даво» деган мақол бор. Табиат қанчалик мусаффо бўлса, одамлар яйраб нафас олишади, саломатликлари янада мустаҳкамланиб, узоқ умр кўришади. Шундай экан табиатни муҳофаза қилиш, сув ресурсларидан фойдаланиш, ўсимлик дунёсини ҳимоя қилиш устидан назоратни янада кучайтириш лозим.

Ж. ЮСУПОВ.

ОЙНАИ ЖАҲОНДА

13 ДЕКАБРЬ, ЖУМА

● ЎзТВ I

8.00 «Ахборот».
8.25 «Соғлом бўлай десангиз».
8.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».
9.20 «Менинг отим Хўжа». Бадиий фильм («Қозоқфильм»).

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Леопольднинг автомобили». Мультфильм.
18.20 «Саноатимиз муаммолари».
18.50 «Ёшлик» оқшоми.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Мерос». Мақом тарихидан. 4-кўрсатув.
21.00 «Ахборот».
21.25 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Дилдаги гаплар». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ёдгор Саъдиев.
22.20 «Шавкатли рицарь Айвенго ҳақида қисса». Бадиий фильм («Мосфильм»).
23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

17.40 «Навид».
17.45 Эски ёзувни ўрганамиз.
18.20 Тожикистон хотин-қизларининг XIII съезди олдидан.
19.00 «Новости».
19.15 «Мутриб». Боймурод Зуҳур.
19.45 «Венецияда карнавал». Телефильм.
20.00 «Ахбор».
20.20 «Меҳрангез». Тожикистон халқ ҳофизи О. Ҳошимов иштирок этади.
21.30 Москва. Информацион программа.
22.05 «Меҳрангез» кўрсатувининг давоми.

● МТ «Орбита IV»

7.00 «Тонг».
9.30 Мультфильм.
9.50 Футбол шарҳи.
10.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
11.05 Экранда биринчи марта. «Команда — «33». Бадиий фильм.
12.30 ТСН.

* * *

14.00 Биржа янгиликлари.
14.30 «Ён дафтар».
14.35 «Бридж».
15.00 «Шу туфайли одамлар менга қадрдон...». Мусиқий композиция.
15.30 ТСН.
15.50 «Дон Кихот ва Санчонинг тирикчилиги». Телевизион бадиий фильм 2-фильм. 5-серия.
16.55 «Даугавадан Эригача». Телефильм премьераси («Союзтелефильм»).
17.45 «Антреприза» студияси таништиради».
18.00 «Инсон ва қонун».
18.45 «Қизиқувчилар олами».
19.00 ТСН (сурдо таржимаси билан).
19.15 «Барча юлдузлар». М. Хуциев.
20.35 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони».
21.30 Информацион программа.
22.05 Футбол шарҳи.
22.35 «ВИД» таништиради: «13—31», «Музобоз», «Шоу-биржа», «Дело».
01.50 ТСН.
02.05 Теннис. «Катта шлем» кубоги. Германиядан кўрсатилади.

● МТ «Дубль IV»

9.00 Эрталабки бадантарбия машқлари.
9.15 «Ишбилармон кишилар даври».
10.15 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.45 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
11.15 «Адам Смит бойлиги дунёси».
12.00 «К-2» таништиради (такрор.).
12.55 Криминал канал. «Мутлақо махфий» (такрор.).
13.50 Шимолий Осетиянинг навқирон мусаввирлари.
14.05 Олимлар уйида «Наше наследие» ойномаси таҳрир ҳайъати билан учрашув.
14.50 Фин-угор халқлари рақслари байрамининг якунловчи концерти.
15.35 А. С. Пушкин. «Полтава поэмаси». РСФСРда хизмат кўрсатган артист С. Шакуров ўқийди.

* * *

17.35 «Чорраҳада». Жамиятшунносликка оид янги дарслик муҳокамаси.
18.05 «Адам Смит бойлиги дунёси».
18.45 «Ишбилармон аёл».
19.15 Россиянинг парламент хабарномаси.
19.30 «Скаут, бўл тайёр!».
20.00 «Мазъур тутасиз». «Аммо ...ҳамон комиссарлар».
20.25 Эълонлар.
20.30 Хабарлар.
20.50 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.05 «Иккинчи Рус инқилоби». Олти серияли ҳужжатли фильм премьераси («Би-Би-Си»). 6-серия.
22.00 Муаллифлик қўшиқлари кечаси. 1-кўрсатув.
22.55 РСФСР Олий Кенгашининг сессиясида.
23.25 Эълонлар.
23.30 Хабарлар.
23.50 «Джаз-тайм». Илова.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ, «УЗПЛОДООВОЩВИНПРОМ» КОНЦЕРНИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, «ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАРИ ЖАМОАСИ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 32-54-44, 33-16-27, 32-54-42. Масъул котиб — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51, 33-54-33. Қайта ишлаш саноати бўлими — 32-54-48. Советлар ва ижтимоий ҳаёт бўлими — 32-56-34. Чорвачилик бўлими — 32-56-22. Мелиорация ва қишлоқ қурилиши бўлими — 32-56-30. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 33-54-33, 32-56-37. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-54, 32-56-37. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 32-54-49, 32-54-52. Безатиш бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700.000 Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32. Нашр кўрсаткичи — 64.602. 68753 нусха чоп этилади. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Босмага топшириш вақти 21.00 Босмага топширилди 21.00. Буюртма — 6486.